АССАЛОМ, МЕҲНАТСЕВАРЛАР!

БУГУН, ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ III СЪЕЗДИ ОЧИЛАДИ.

СЪЕЗД ДЕЛЕГАТЛАРИГА АЛАНГАЛИ САЛОМ!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 115 (2406). | 12 июнь, чоршанба, 1963 йил. | Баҳоси 2 тийин.

Совет хотин-қизлари меҳнатда жавлон урмоқдалар. Юзидан нур ёғилиб турган суратдаги бу қиз Тошкенддаги «Қизил тонг» тикувчилик фабрикасининг чевари Н. Саидовадир. У кунлик топшириқни 120—130 процентдан бажариб, юртга яхши тортиқ қилаётир.

А. Тўраев фотоси.

САФДОШЛАРИМИЗ

Коммунизмни қураётган миллионлар орасида биз уддабурро, ўктам, хушодоб хотин-қизларимизни кўрамиз. Уларнинг ёруғ ижодларисиз, қайноқ меҳнатларисиз коммунистик эртанинг бутун гўзаллигини, олижаноблигини, улуғворлигини тўла тасаввур қилиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам хотин-қизларни маънавий камол топтириш, уларнинг ўлчовсиз кучларини ишга солиб юбориш ҳамма вақт партия ва ҳукуматимизнинг эътиборидадир.

Владимир Ильич Ленин, ишчи ва деҳқон хотин-қизлари орасида ташкилотчилик қобилиятига, амалий иш олиб бориш маҳоратига эга бўлган кишилар бизга маълум бўлганидан ҳам анча кўп... Совет ҳокимиятининг ишида юз мингларча эмас, балки миллионларча хотин-қизлар қатнашган тақдирдагина Совет ҳокимиятининг иши мустаҳкам бўлади, деган эди. Биз энди Ленининг ана шу кўрсатмалари ҳаётга сингдирилганлигининг, улуғ йўлбошчининг башорати тўғри чиққанлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Бугун ҳамма совет хотин-қизлари қатори ўзбек аёллари ҳам давлатни бошқаришда, мамлакатимизнинг снёсий ва маънавий ҳаётини яшнатишда завқу-шавқ билан қатнашмоқдалар. Улардан арбобларимиз, министрларимиз, санъаткорларимиз бор, қалам аҳлларимиз ва колхоз рансларимиз бор. Хотин-қизлар ҳаётнинг ҳамма нозик-неъматларидан, нашу-намолардан баҳраманд қилдирилган ердагина шундай бўлиши мумкин. Бир вақтлар чарх йигирган қўллар энди самолётларни бошқармоқда. Бир вақтлар ёрғичоқ айлантирган қўллар энди минглаб урчуқли машиналарни айлантирмоқда. Бир вақтлар бешик тебратган қўллар энди кучли электростанцияларнинг турбиналарини ҳаракатга келтирмоқда. «Оқ олтин» хирмонларини уяётган шулар, келажак ғиштларини қўяётган шулар; шойи-атласларни тўқиётган шулар, севги қўшиқларини ўқиётган шулар; меҳр билан шифо бераётган шулар; ҳаётда ўқирак кераётганлар шулар; ахир, областимизнинг машъаллари — Турсуной Охуноза, Любовь Ли, Анастасия Чудная, Саодат Гулаҳмедовалар ана шундай олий ҳиммат ли гўзал одамлар эмасмилар! Ахир, уларнинг изидан бораётган дугоналари, ҳамсоялари — социалистик меҳнат усталари — ана шундай шижоатли гўзал одамлар эмасмилар! Ахир, кўпгина коммунистик меҳнат бригадаларининг етакчилари — оналаримиз, опаларимиз, сингилларимиз ана шундай саховатли гўзал одамлар эмасмилар! Уларнинг беҳисоб. Уларнинг ҳаммаси коммунистик партиямизнинг мураббийлиги, ғамхўрлиги, одампарварлиги билан қуршаб олинган.

Коммунизм кишисини тарбиялаб етиштириш масаласи бутун идеология ишимизнинг ўзаги бўлиб турган ҳозирги пайт хотин-қизларнинг ижодий кучларини яна ҳам барқ урдиришни тақозо этади. Шундай қилиш керакки, аёлларимизнинг маънавий, аҳлоқий ва жисмоний латофатларин кун сайин очила борсин.

Тошкент область партия ташкилотлари хотин-қизлар билан ишлашда муайян муваффақиятларни қўлга киритдилар. Аёлларнинг қалбига йўл топиш, онгига таъсир қилиш учун идеологиямизнинг ҳамма қуроллари ишга солинаяпти. Бунга область ҳаётидан жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Бу, албатта, таҳсинга сазовор иш. Бироқ, биз хотин-қизлар билан ишлашни ҳали КПСС XXII съезди талаблари даражасига кўтароолдик деёлмаймиз. Хотин-қизларнинг етукларини, ишбилармонларини раҳбарлик ўринларига кўтаришда баъзан қандайдир менсимаслик, юрак бетламаслик аломатлари сезилиб қолаётир.

КПСС Программасида аёлларнинг турмушдаги нотенг мавқеи қолдиқларини йўқотиш, уларни рўзғор машаққатларидан халос қилиш вазифаси қўйилган. Бу вазифанинг дуруст ҳал қилинишн кўп жиҳатдан савдо ташкилотларининг сидқидиллигига, хўжалик ходимларининг эпчиллигига боғлиқ. Яшираган жойи йўқ: қишлоқларимизда манший хизмат кўрсатиш корхоналари аҳён-аҳёнда бир учрайди. Кирхоналар, ошхоналар кам. Болалар боғчалари ва яслиларида ўринлар етарли эмас. Шунинг учун ҳам кўпгина хотин-қизларимиз ҳалигача ўчоқбошида ўралашиб қолмоқдалар, кир ювишдан, болага қарашдан, сигир соғишдан ортмаётирлар. Ишлабчиқариш бошқармалари, колхоз-совхозларнинг партия ташкилотлари ишнинг ана шу жиҳатини кўпроқ ўйлаб кўришлари, хотин қизларни ижтимоий-фойдали ишга тўлароқ жалб этиш учун ҳамма шарт-шароитларни, имкониятларни, қулайликларни яратиш масалалари билан тинмай шуғулланишлари зарур.

Бизда хотин-қизларнинг тенгсизлигига социал замин, ижтимоий асос йўқ. Лекин ана шу инсоний тенгликка ўтмиш сарқитлари гоҳ-гоҳ ҳалақит бераётир. Сарқитлар коммунистик идеологиянинг шафқатсиз курашисиз, ўз-ўзидан йўқолиб кетадиган нарса эмас. Улар жуда яшовчан. Дин уларни асрлар бўйи мустаҳкамлаб келган. Бинобарин, сарқитларнинг ҳамма кўринишларига бераҳм бўлиш, аёлларга бой-феодалларча ҳурматсизлик билан қараш ҳолларини қаттиқ қоралаш керак. Аёлларнинг қадри, совет оиласи, бола тарбияси масалаларн бошланғич партия ташкилотларининг диққатида турсин.

Бугун республика хотин-қизларининг III съезди очилади. Бу съезднинг Ўзбекистон хотин-қизларининг меҳнат ва кураш тарихига янги саҳифа бўлиб кириши, аёлларимизни коммунизм қурилиши ишига яна ҳам отлантириши шубҳасиз. Съезд ишига муваффақият тилаймиз!

ҲАЁТ ЧАРОҒБОНЛАРИ

Ҳ. МУСАХОНОВА
саноат область партия комитетининг секретари

□ □ □

Биз коммунизмнинг пойдеворини қўймоқдамиз. Ана шу улуғ, умумхалқ ишида бизнинг минглаб, миллионлаб сафдошларимиз, елкадошларимиз борки, улар совет хотин-қизларидир. Бугунги бекиёс муваффақиятларимизни, янги инсонни тарбиялашдаги ютуқларимизни уларнинг шижоатисиз, иқдиросиз, ғуруссиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Совет Ватани кишилик тарихида биринчи марта ўлароқ хотин-қизларнинг инсонлик шаънини баланд кўтаргин, уларга эркаклар қатори тенг ҳуқуқ ва кенг ваколат бергин, уларни жамият ва давлат ишига аралаштирган ҳақиқий одампарвар мамлакатдир. Салкам эллик йилдирки, бу тупроқда энди бир замонлар зулм исканжасида гадо ва адо бўлган Катеринаолар, Жамилалар йўқ. Улар энди палахмон тошидай отилмайдилар. Улар энди сочи супургилар, қўли косовлар эмаслар. Уларни энди ҳеч ким аҳли калта деб камситолмайди. Совет хотин-қизлари моддий ва маънавий нознеъматларимизнинг ҳаммасидан баҳраманддир.

Сиз тўлқинли, серзавқ ҳаётимизнинг қайси бир соҳасига назар ташламанг, уларда жавлон ураётган қизларни, опа-сингилларни, оналарни кўрасиз. Улар Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съезди қарорларини ҳаётга чуқур сингдириб юборишнинг бутун куч-ғайратларини бағишламоқдалар. Бунга областимиз ҳаётидан ҳам кўп мисоллар келтириш мумкин. Саноат корхоналаримиз 1962 йил ва шу йилнинг беш ойлик планларини ортиғи билан адо этган эканлар, бунда аёлларимизнинг шубҳасиз катта салмоқлари бор. Уларнинг бригаликдаги азму-жазми туфайли қишлоқ хўжалигида, қурилишда, транспортда катта силжишлар юз берди. Эл-юрт қатори улар ҳам партиямизни катта меҳнат тўфонлари билан қувонтирмоқдалар.

Маълумки, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми халқ хўжалигига партия раҳбарлигини янада яхшилаш йўлларини кўрсатиб берди, партиямиз тарихида янги саҳифа бўлиб қўйилди. Пленум қарорларига мувофиқ партия раҳбарлиги ишлаб чиқариш принципи асосида қайта қурилди, раҳбарлик ҳаётга, оммага яқинлаштирилди. Ана шу тарихий пленум қарорларини амалга оширишда хотин-қизлар зиммасига ҳам жуда катта вазифалар юкланган. Чунки, хотин-қизлар бизда жуда катта куч. Бу куч бор ерда гўзаллик бор, иштиёқ бор. Бу куч бор ерда, чаман бор, жилва бор. Совет аёллари станокларни юргизадилар, ёшларни ўқитадилар, беморларни даволайдилар, самолетларни учирадилар, ғўзаларни чилпийдилар, китоблар ёзадилар, давлат масалаларини ечадилар.

Бугун областимиз саноатида хотин-қизлардан 105 минг киши матонат билан ишлаб турибди. 50 минг аёл соғлиқни сақлаш муассасаларида банд, 36 минг хотин-қиз халқ маорифининг жонкуярлари. Кейнги йилларда шаҳарларимиз қиёфасини яна ҳам очишда, янги саноат корхоналари, турар-жой бинолари қуришда, транспортимиз ишини яхшилашда салкам 300 минг аёл қатнашди. Демак, аёлларимиз ҳам ҳаёт боғбонларидир. Ишларимизнинг кенг кўламлилиги, меҳнат зафарларимизнинг жаҳоншумуллиги кўп жиҳатдан аёлларимиз фаолиятига боғлиқ.

Коммунизма миллионлар меҳнати орқали чиқилади. Шу сабабдан коммунистик меҳнат зарбдорлари ҳаракати жуда таҳсинга сазовор иш. Бу ҳаракат қанчалик қулоч ёзса, коммунизм ҳаётимизга шунчалик яқинлашиб келаверади. Ана шу ҳаракатнинг кўп ташаббускорлари ҳам хотин-қизлардир. Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчиси Любовь Светашова бутун республикамизга танилди. У ўз қалбининг хоҳиши ва виждонининг амри билан эски колоқ комплектга ишлашга ўтиб, уни тез орада илғорлар даражасига кўтарди. Ҳозир бу комплектнинг иши мактаса мақтагудек. Меҳнат унумдорлиги ғалати эмас. Любовь Светашова халол меҳнати эвазига шуҳрат қозонди. Пайпоқ-трикотаж фабрикасидаги коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси Дилором Шокирова, электрокабель заводининг ишчиси Рихси Қодирова, «Ташсельмаш» заводининг ишчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Наталья Удалова сингари хотин-қизларимиз коммунизмни амалда, ўз меҳнатлари билан қураётган забардастлардир. Уларни коммунизмнинг биринчи граждаклари дейиш мумкин.

Саноат, қурилиш ва транспортда ютуқларимизнинг кўпчиги ҳамма аёл, Лекин ҳали фойдаланилмаётган резерваларимиз ҳам бир талай. Бундай резерваларни қидириб топиш ва ишга солишда биз область меҳнаткашларига, жумладан удда бурро, сергайрат хотин-қизларимизга умид боғлаймиз.

Чунончи, 1963 йилнинг беш ойи ичида 31 корхонамиз планни бажармай, 1 миллион 936 минг сўмлик кам маҳсулот берган эканлар, бунга меҳнаткаш аёлларимиз тоқат қилиб тура оладиларми? Албатта, йўқ! «Подёмник» заводи, Оҳангарон цемент заводи, Охунбобоев номли Тошкент тикув фабрикаси, «Ташгазоаппарат» заводи ва бошқа бирмунча корхоналар планни бажаришда оқсаётган экан, демак, уларга кўпчиликнинг кўмаги керак. Бу корхоналардаги аёллар ишни ўз қўлларига олсалар, қаттиқ интизом ўрнатсалар, янгиликларни дадил кўтариб чиқсалар планларнинг уддаланиши ҳеч гап эмас. План — қоғоз ва рақам. Унинг тақдирини одамлар ҳал қилади. Бу масалага давлат нуқтаи назаридан жиддий қаралса, муваффақият таъминланади. Нега, ки, иш одамдан қочиб қутилмайди.

1963 йили давлат планларини бажармай қолган бironта корхона бўлмаслиги керак! — саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг коллективлари олдида, хотин-қизларимиз олдида турган асосий вазифа ана шу.

КПСС XXII съезди совет кишисини, янги инсонни тарбиялаш гоят муҳимлигини алоҳида уқтириб ўтди. Съезд ўтган даврдан бери область партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари бу борада анча иш қилдилар, идеология қуролларимизнинг ҳамма турларидан дуруст фойдаландилар, кишиларнинг қалбига йўл топа бошладилар.

Областимиздаги сиёсий маориф шоҳобчалари ҳам ана шунинг бир далилидир. Ҳозир 9 минг 650 аёлимиз агитатор ва пропагандист бўлиб ишлаяпти. Улар ёлқинли сўз ва шахсий ўрнак орқали кишиларни зафарларга отлантирмоқдалар. 62 мингдан ортиқ аёл конкрет экономикани ўрганаяпти, халқаро аҳвол ва бошқа тўғарлоқларга қатнашаяпти. Ўтган йили хотин-қизларимиз учун 2 мингдан ортиқ лекция ўқилди. Областимиздаги 112 лекторийнинг 44 таси аёллар ихтиёрида. Улар 22 халқ маданият университетида ўз истеъдодларини ўстирмоқдалар, ажойиб талант эгалари бўлиб етишмоқдалар. Бу ўринда бошлангич партия ташкилотларининг ташаббуси билан ўтказилаётган савол-жавоб кечалари, китобхонлар конференциялари оммавий тус олиб кетганлигини мамнуният билан қайд қилиш лозим.

Ютуқларимиз беҳисоб, ишларимиз саришта. Лекин бу биз ҳали ҳамма ишни ҳам дўндирдик, хотин-қизларни сиёсий ва жамоат ишларига фаол жалб қилдик деган гап эмас. Афсуски, ҳали анчагина аёлларимиз уй ичида ўралашиб қолмоқдалар. Улар фабрика ва завод, колхоз ва совхоз бағрига тўла тортилганлари йўқ. Хотин-қизларга бой-феодалларча муомала қилиш фактларининг содир бўлиб турганлиги бизни жуда қайғиртиради. Бизда ўтмишнинг илдизи қирқилган. Аммо ҳали унинг сарқитлари тамом қуритилгани йўқ. У баъзи тушунчаси паст кишиларнинг хатти-ҳаракатларида ҳукмрон қилиб турибди. Биз бунга нисбатан аёвсиз бўлишимиз, эскиликни ҳамма ерда ва ҳамма вақт қақшатишимиз зарур.

«БИЗ, — деган эди Никита Сергеевич Хрушчев партия ва ҳукумат раҳбарларининг адабиёт ва санъат арбоблари билан учрашувида,— ЯНГИ ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИДА БАРТАРАФ ҚИЛИШИМИЗ ЛОЗИМ БЎЛГАН ҚИЙИНЧИЛИКЛАРДАН ҚУЗЮМА ОЛМАЙМИЗ. ЖАМИЯТНИНГ БАРЧА ТАБАҚАЛАРИДАГИ КИШИЛАРНИНГ МУАЙЯН ҚИСМИ ОНГИДА САҚЛАНИБ ҚОЛГАН ЎТМИШ САРҚИТЛАРИ АНА ШУНДАЙ ҚИЙИНЧИЛИКЛАР ЖУМЛАСИГА КИРАДИ. БУ САРҚИТЛАР АВВАЛО МЕҲНАТГА, ЎЗ ИЖТИМОИЙ БУРЧИНИ, ХАЛҚ ОЛДИДАГИ ВАЗИФАЛАРИНИ БАЖАРИШГА БЕПАРВОЛИК БИЛАН ҚАРАШДА КЎРИНМОҚДА».

Демак, текинхўрликка, муттаҳамликка, ичкиликбозликка, безорилиққа, дангасаликка аёвсиз ўт очиш. аёлларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилишга интилувчиларнинг таноблики тортиб қўйиш бизнинг кун тартибида турган вазифаларимиздан д и р. Партия ташкилотлари, коммунистлар аёлларимизга жуда ям меҳрибон бўлишлари, уларга нисбатан умумхалқ муҳаббатини ўз ишларида, фаолиятларида мужассамлантиришлари лозим.

Саноат область партия ташкилоти хотин-қизлар билан ишлашни ўзининг жонажон иши деб қарайди. Кейнги пайтларда аёлларни раҳбарлик ўринларига кўтаришга алоҳида эътибор берила бошланди. Ҳозир 400 дан ортиқ хотин-қиз мактаб-интернат директорлари, илмий бўлим мудирлари бўлиб ишлаётир. Бўлиб ўтган партия йиғилишлари ва конференцияларида 461 хотин-қиз партия ташкилотларининг секретарлари, 384 аёл район ва шаҳар партия комитетлари, ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетлари аъзолари қилиб сайланди. Партия комитетлари ҳузуридаги штатсиз бўлимларнинг кўп инструкторлари, идеология комиссияларининг аъзолари хотин-қизлардир. Областимизда 1004 та хотин-қизлар совети бор. Уларга салкам 6 минг аёл ноюшан. Бироқ, бу ишлар ҳали айни муддодагидек эмас. Шундай қилиш керакки, ҳар бир аёл ўзини коммунизм қурилишининг фаол иштирокчиси деб атай олсин.

Ҳаёт қизғин. Унинг қучоғи иссиқ. Ҳамма ёқда коммунизм қуртак отаяпти. Шундай улуғ даврда яшаётганинг учун бехад қувонасан, киши. Аёл ҳам шу даврнинг қаҳрамонидир. У шу даврнинг қурувчиси ва келажакнинг эгаси. У тенгларнинг тенги, эркинларнинг эркини. У эл қатори ўз бурчини ҳалол ўтайверади.

ЯДРО ҚУРОЛИ СИНОВЛАРИНИ ТУҲТАТИШ МАСАЛАСИГА ДОИР

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев АҚШ президенти Ж. Кеннеди ва Буюк Британия бош министри Г. Макмиллан ўрталасида шу йил июль ойининг ўрталарида Москвада Совет Иттифоқи, АҚШ ва Буюк Британия вакилларининг иштироки билан ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилишни қайта бошлаш тўғрисида бир битимга келинди. (ТАСС).

Н. С. ХРУШЧЕВ ГАРОЛЬД ВИЛЬСОН БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев СССР парламент группаси таклифига биноан Москвада меҳмон бўлиб турган Англия лейбористлар партиясининг раҳбари Гаролд Вильсонни 10 июнда Кремлда қабул қилди.

Н. С. Хрушчев билан Гаролд Вильсон ўртасида ҳозирги халқаро аҳвол масалалари юзасидан, шунингдек ҳар иккала томонни қизиқтираётган бошқа проблемалар юзасидан дўстона суҳбат бўлди.

Суҳбатда Англия лейбористлар партиясининг раҳбари билан бирга лейбористлар партиясининг таниқли арбоби Патрик Гордон-Уокер парламент аъзоси Ж. Слейтер, лейбористлар партияси ижроия комитети халқаро бўлимининг раҳбари Дэвид Энналз ҳозир бўлдилар.

Суҳбатда СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико қатнашди. (ТАСС).

БЕРМА ИХТИЁР

Куни кечагиден ёдимда ҳамон
Мактаб қучоғида ўйнаган чоғлар,
Қанотли орзулар, ҳар бир тотли он,
Қучоғин очгани бизга гул боғлар.
Илм қучоғига кирганда илк бор
Беғубор қалбларда умид зўр эди.
Орзумиз қилардик дўстларга изҳор,
Нигора «олима бўлсам» дер эди.
Орзуга айб йўқ дейдилар, бу рост,
Унга матонатсиз эришиб бўлмас,
Тунлар бедор ўтар ошиқларга хос,
Аммо ҳаёл билан бахт нелиб қўнмас,
Дугонам, етуклик аттестатингни
Пўлат сандиғингга қулфлаб беринтма,
Ўйла дўстларингга берган аҳдингни,
Халқнинг олдидаги бурчинг унутма,
Дўстларинг илмли, ҳунар эгаси,
Инженер, тикувчи, донгдор пахтакор,
Ўтирма уйингнинг бўлиб бекаси,
Мард бўлгин, номардга берма ихтиёр!

Нилуфар ХОЛҲЎЖАЕВА.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ЎРТА ОСИЁ БЮРОСИДА

СОВЕТ ПАХТАЧИЛИГИНИНГ ИСТИҚБОЛИ УЧУН

КПСС Марказий Комитетининг Ўрта Осиё Бюроси 1964—1970 йилларда суғориладиган деҳқончиликни янада ривожлантириш ва пахта етиштиришни кўпайтириш тадбирлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Партия ва ҳукуматнинг қишлоқ хўжалигини юксалтириш, ирригация қурилишини яхшилаш, комплекс механизацияни ва ғўзани ишлашнинг янги прогрессив методларини жорий қилиш соҳасидаги катта тадбирларини амалга ошириш натижасида беш йил ичида (1958—1962 йиллар) ҳар йили етиштириладиган пахта ундан илгариги беш йилдагига қараганда ўрта ҳисобда 335 минг тонна кўпайди.

Ўзбекистон ССР Хоразм областининг колхозлари ва Ўрта Осиё республикаларининг кўпгина илғор хўжаликлари ҳосилдорликни оширишда ва пахтанинг ялпи ҳосилини кўпайтиришда ажойиб муваффақиятларга эришиб, гектаридан 30—35 центнердан пахта олишни ҳамда етиштирилган ҳосилнинг катта қисмини машиналарда териб олишни таъминладилар.

Бироқ, пахта етиштириш етти йиллик планда кўзда тутилган даражадан жиддий орқада қолмоқда.

1964—1970 йилларда пахтачиликни ривожлантириш тўғрисида Ўрта Осиё органлари республикаларнинг партия, совет ва қишлоқ хўжалик ташкилотлари билан биргаликда ишлаб чиққан таклифларини КПСС Марказий Комитетининг Ўрта Осиё Бюроси кўриб чиқди ва маъқуллади. Бу таклифлар ўртоқ Н. С. Хрушчев мамлакатда пахта етиштиришни янада кўпайтириш масалалари юзасидан берган маслаҳатлари ва кўрсатмалари асосида тузилган.

Ҳисобларда Ўрта Осиё республикаларида пахтачиликни анча ўстириш кўзда тутилади. Ҳосилдорликни ошириш, экин майдонларини кенгайтириш ва далаларнинг сув билан таъминланишини кенгайтириш ҳисобига пахтачилик кескин юксалтирилиши керак.

Белгиланган тадбирларда янги ерларни, шу жумладан Мирзачўлда, Қорақум канали зонасида, Қарши чўлида ва Жанубий Сурхон сув омбори зонасида янги ерларни суғориш юзасидан катта ишлар қилиш мўлжалланади. Янги пахтакор районларни вужудга келтириш ишларини Мирзачўлдаги каби комплекс тарзда олиб бориш мўлжалланади. Бунинг учун сув хўжалиги қурилишининг қудратли индустриал базасини яратишга, янги ўзлаштирилаётган ерларда уй-жой бинолари, йўллар ва маданий-маиший объектлар қурилишига катта маблағлар сарфлаш кўзда тутилади.

Пахтачиликда ва сув хўжалиги қурилишида ҳозирги замон химияси муваффақиятларидан кенг фойдаланиш зарур, деб топилди. Бунинг учун, жумладан, Ўрта Осиё республикаларида пахтачиликнинг ўсиб бораётган талабларини қондиришга мўлжалланган бир қанча химия саноат корхоналари қуриш мўлжалланади. Химия саноати ходимларига яқин вақт ичида пахтакор хўжаликларни юксак самарали заҳарли химикатлар, дефолиантлар ва гербицидлар билан тўла таъминлаш таклиф этилди.

Сув хўжалиги қурилишида техниканн юксак даражада тараққий эттиришга, пахтачиликда фойдаланилаётган машиналар ва механизмларнинг бутун комплексини такомиллаштиришга қаратилган тадбирлар белгиланди.

Пахта етиштиришни кўпайтириш ҳамда ҳар бир колхоз ва совхознинг гектаридан камида 25 центнердан пахта олишидан иборат вазифани ҳал этиш учун деҳқончилик маданиятини ошириш ҳамда дала ишларини комплекс механизациялаш ва кенг кўламда химизациялаш базасида ғўзани ишлаш соҳасидаги ишларнинг илғор технологиясини жорий қилиш кўзда тутилади. Пахта теришни механизациялаш даражасини кескин ошириш энг муҳим вазифа эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Пахтачилик соҳасида илмий тадқиқотларни ривожлантириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу тадбирларда қардош республикалар олимларининг куч-ғайратларини янада кўпроқ бирлаштириш, илмий муассасалар фаолиятини пахта координация қилиш кўзда тутилади.

КПСС Марказий Комитетининг Ўрта Осиё Бюроси машина теримининг жорий қилиниши ва пахтанинг қоп-қанорсиз ташилиши муносабати билан пахта тозалаш саноатини ва пахта тайёрлаш пунктларини кенгайтириш ва техника билан қайта қуроллантириш масаласини ҳам муҳокама қилди.

Пахта етиштиришнинг кўпайтирилиши ва уни машинада теришга ўтиш пахта тозалаш саноати олдига янги талаблар қўяди. Ҳозирги вақтда бу саноат планда кўзда тутилган ҳажмдаги пахтани қуритиш ва тозалаш ҳамда ундан юқори сифатли тола олиш вазифасини уддалай оладиган даражада тайёр эмас. Мавжуд пахта тозалаш заводларидаги технология процесси асосан қўлда терилган пахтани қайта ишлашга мўлжалланган.

Пахта тозалаш саноати корхоналарини қайта ускуналаш, янги қуритиш-тозалаш цехларини вужудга келтириш юзасидан тадбирлар белгиланди. Пахтани қоп-қанорсиз ташиш кенг жорий қилинади. Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгашига 1964—1970 йиллар мобайнида колхозлар ва совхозларга пахта ташувчи махсус автопоездларни зарур миқдорда етказиб бериш топширилди.

Мажлисда чорва туёғининг ўсиши, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш ҳақидаги материаллар кўриб чиқилди. КПСС Марказий Комитетининг Ўрта Осиё Бюроси республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига чорвачиликнинг аҳволини пухта ўрганиш, қишлоқ хўжалигининг бу тармоғини ривожлантиришдаги қолоқликни бартараф этиш ва хусусий мулкчилик тенденцияларини тугатиш юзасидан ҳар бир хўжаликда конкрет тадбирлар ишлаб чиқишни тавсия этди.

Пичанзор ва яйловларда ўт яхши ўсганлигини, шунингдек кўп йиллик ўтлар (беда) мўл ҳосил берганлигини ҳисобга олиб, илғор хўжаликларнинг жамоат чорвачилиги учун дағал ва ширали озуқаларнинг бир ярим йиллик запасини вужудга келтириш соҳасидаги ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Мажлисда Ўрта Осиё республикаларида кўкламги экиш планининг ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ярим йиллик планларининг бажарилиши ҳақидаги ахборот тингланди.

Ўрта Осиё республикаларининг партия, совет органлари колхоз ва совхозлардаги бошқарин ва хизмат кўрсатиш аппаратларини такомиллаштириш юзасидан муҳим иш қилмоқдалар. Ўтган йилнинг бошидан бери Ўрта Осиё колхоз ва совхозларида 19 минга яқин киши маъмурий-бошқарув аппаратидан бўшатилди. Партия ташкилотларига бу ишни давом эттириш ва бошқарув аппаратидаги ортиқчаликларни батамом тугатиш топширилди.

Пахтакор республикалар ўртасида 1963 йил учун қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан ўзаро текширишларни ўтказиш плани тасдиқланди. Ўзаро текширишларнинг дастлабки цикли июнь—июль ойларида ўтказилади.

КПСС Марказий Комитетининг Ўрта Осиё Бюроси Ўрта Осиё халқ хўжалиги кенгаши саноатининг шу йил беш ойи ичида қилган ишлари якунини муҳокама қилди. Январь—май ойларида капитал қурилиш планининг бажарилиши ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Ўрта Осиё иқтисодий райони Халқ хўжалиги кенгашининг состави тасдиқланди.

Тожикистон ССР Ўратепа ғаллакорларининг ташаббуси маъқулланди. Улар ғалла тайёрлаш давлат планини анча миқдорда ошириб бажариш мажбуриятини олдилар. Партия ташкилотларига дон тайёрлаш давлат планини муддатидан илгари тўла ва ошириб бажариш учун колхозлар, совхозлар ва ишлаб чиқариш бошқармалари ўртасида мусобақани авж олдириб юбориш таклиф этилди. (ЎзТАГ).

КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШ ЖОНБОЗЛАРИ

БАХТИ КУЛГАНЛАР

Коммунизмнинг нурли чўққилари сари жадал суръатлар билан олға бормоқдамиз. Инсониятнинг олий орзуси коммунистик жамият қурилишида шонли хотин-қизларимиз ҳам эркаклар билан ёнма-ён туриб актив қатнашмоқдалар. Меҳнатсевар, заковатли хотин-қизларимизни бугун қўриқ ерларни очаётган қаҳрамонлар орасида, кўкни ўпган биноларқурилишида, завод ва фабрикаларда, колхоз ва совхозларда — ҳамма-ҳамма ерда кўрамиз.

Ўтмишда хотин-қизларни хўрлаш ва тутқинликда сақлаш ишида бой ва амалдорлар билан бир қаторда дин аҳллари ҳам катта роль ўйнаб келганлар. Масалан, мусулмон динининг хотин-қизларга муносабатини олиб кўрайлик. Мусулмон дини бошқа динлардек Одам отанинг жаннатдан қувғин қилинишига хотинлар сабабчи деб ҳисоблаб, хотин-қизларга нафрат билан қараганлар. Аёлларнинг остона ҳатлаб кўчага чиқиши у ёқда турсин юзини очиш, ҳатто тўпиғини кўрсатиб юриши катта гуноҳ эди. Уларнинг жамоат ишида қатнашуви тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас эди.

Капитализм даврида хотин-қизларни тутқунликда сақлаб туриш, жамоат ишларидан четлаштириш соҳасида ҳоким синфларнинг лаганбардорлари жуда нозик хийлаларнинг тўқиб чиқаришган.

Америка Қўшма Штатларидаги хотин-қизларнинг аҳволини кўрсатувчи мана бу мисолларга эътибор қилинг. Миннесот штатида қонун эркаклар билан хотин-қизларнинг кийимини бир арқонга осиб қуритишни тақиқлайди. Аризона штатида эса ишлайдиган хотин ўзининг ҳамма маошини албатта эрининг қўлига келтириб бериши керак. Алабама штатида хотини бирор гуноҳ қилиб қўйган эркак уни йўқотилиги икки эрликдан ортиқ бўлмаган калтак билангина уриши мумкин. Мичиган штатида хотининнинг кийим-кечакларини ким сотиб олган бўлишидан қатъий назар, эрининг мулки ҳисобланади.

Капиталистик дунёнинг энг мақталган, бой мамлакати бўлган Америкада хотин-қизларнинг оладаги ва жамиятдаги аҳволи ана шундай. Бундан келиб чиқадигани ҳулоса шуки, хусусий мулкчилик ҳукмрон бўлган жамиятда, кишикишини эксплуатация қиладиган жамиятда хотин-қизлар ҳеч қачон эркаклар билан тенг ҳуқуқ олишлари мумкин эмас.

Социалистик тузумгина бутун меҳнат аҳли қатори хотин-қизларни бахтиёр қилди, уларга эркаклар билан баббаравар ҳуқуқларни таъминлаб берди. Улуғ Ленин тузган Коммунистик партия доимо хотин-қизларнинг ҳуқуқлари учун, уларнинг меҳнатини енгиллаштириш учун курашиб келди, уларни ҳамиша меҳр-муҳаббат ва меҳрибонлик билан тарбиялаб келмоқда.

Улуғ доҳимиз В. И. Ленин ўзининг 1919 йил 23 сентябрда Москвадаги партиясиз ишчи хотин-қизларнинг умумшаҳар конференциясида «Совет республикасида ишчи хотин-қизлар ҳаракатининг вазифалари тўғрисида»ги докладида бундай деган эди: «Биз ҳозир тўла фахр билан ҳеч бир муболағасиз айта оламизки, Совет Россиясидан бошқа ерда дунёнинг ҳеч бир мамлакатида хотин-қизларга тўла тенг ҳуқуқ берилган эмас, хотин-қизлар тахқирли аҳволдан, кундалик оила ҳаётида айниқса сезилари бўлган таҳқирли аҳволдан қутилган эмаслар. Хотин-қизларни озод қилиш, уларга тенг ҳуқуқ бериш бизнинг биринчи ва энг муҳим вазифаларимиздан бири эди». Владимир Ильич яна бундай деган эди: «Ҳозир Совет Россиясидаги хотин-қизларнинг аҳволи шундайки, бу аҳвол энг илғор мамлакатларга таққослаганда ҳам идеал бўла олади».

Шундай қилиб улуғ Октябрь шарофати билан тўла озодликка чиққан совет хотин-қизлари турмушимизнинг ҳамма соҳаларида ривожланишнинг катта йўлини босиб ўтдилар. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аҳкамлас қисми ва жанговар отрядларидан бўлган Ўзбекистон Коммунистик партияси ўзбек хотин-қизларига эркаклар билан баббаравар ҳуқуқ берилишини таъминлаш учун ғоят катта тадбирларни амалга оширди. Бу соҳада Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг 1928 йилда бўлиб ўтган М. III пленумлари. Ўзбекистон ССР Советларининг 1929 йилда бўлиб ўтган М съезди катта аҳамиятга эга бўлди. Бу пленум ва съездларда хотин-қизлари озод қилиш масаласи кенг муҳокама қилинди. Шундан сўнг паранжи ташлаш ҳаракати авж олиб кетди. Ўша вақтда «ҳужум» деб ном олган бу ҳаракат қатнашчилари ўз паранжи ва чимматларини гулханларга ташлаш билан бир қаторда бошқа хотин-қизларни ҳам шундай қилишга чақирдилар. Лекин бу ҳаракатнинг душманлари, турли ниқоблар остида яшириниб келаётган унсурлар ва жоҳил руҳонийлар халқнинг энг яхши хотин-қизларига қарши, яъни паранжига ҳужум ҳаракатининг актив қатнашчиларига қарши террор уюштирдилар.

Бироқ, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати хотин-қизларга эркаклар билан тенг ҳуқуқ яратиб беришдан иборат ленинча сиёсатни оғишмай амалга ошираберіб ҳар қандай реакцион унсурларнинг қаршилигини синдириб ташладилар.

Социалистик давлатни бошқаришда хотин-қизлар ғоят катта роль ўйнамоқдалар. Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларининг депутатлари орасида ўзининг ажойиб ишлари билан эл-юртга манзур бўлган хотин-қизлар кўп. Шу йилнинг март ойида бўлиб ўтган сайловларда Ўзбекистон ССР Олий Советига 139 хотин-қиз депутат қилиб сайланди. Бу эса сайланган ҳамма депутатларнинг учдан бир қисмига яқиндир, Маҳаллий советларга 70 минг 287 депутат сайланган бўлса, шундан 30 минг 240 киши ёки 43,02 процента хотин-қизлардир. Ўзбек хотин-қизлари ўзларига илм-маърифат эшикларини кенг очиб қўйган, жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида ишлаш имконини берган Коммунистик партиядан чексиз миннатдордирлар.

Ўтмишда таҳқирланган хотин-қизларимизга энди назар ташланг. Ўзбек аёллари орасида севимли педагоглар, меҳрибон врачлар, миришкор агрономлар, истеъдодли артистлар ва санъатшуносларнинг, зеҳнли философ ва ҳуқуқшуносларнинг, партия-давлат арбоблари, ишлаб чиқариш новаторлари жуда кўп.

Партия XXII съездида қабул қилинган яқин Программада хотин-қизларга бўлган катта ғамхўрлик ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Шунинг учун ҳам хотин-қизларимиз ўзларининг бахтиёр турмушлари учун шонли Коммунистик партиядан миннатдордирлар.

Т. МИРЗОКИРОВ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси философия ва ҳуқуқ институтининг аспиранти.

ОЛИМА

Педагог янги темани баён этабошлади. Навбатдаги тема: «Эргашган қўшма гап» эди. Педагог тилнинг қонун-қоидаларини тушунтираркан, ҳар бир қоидани студентларга пухта тушунтириш мақсадида ҳар турли қизиқарли мисолларни келтирарди.

Ўша куни студентлардан бири лекцияга бироз кечикиб келган эди. Студент ўқитувчининг «дарсга бунақа кечикиб келиш ўқитувчига ҳурматсизлик бўлади» ёки «кечикиб келадиган бўлсангиз, яхшиси дарсга кирмай қўяқолинг» дейишини кутган эди. Лекин одоб эгаси бўлган педагог Мазлума Асқарова бундай қилмади. У «Эргашган қўшма гап»ни тушунтираётганида «Илтимосимиз шуки, бундан кейин лекцияга кечикмай келсангиз» деган гапни мисолга келтириб ўтди. Шубҳасиз, бу мисол лекцияга баъзан кечикиб келадиган айрим студентларга тарбиявий таъсир этмай қолмади.

Ўз ишининг моҳир устаси Мазлума опа ўтилаётган темани студентларга тушунарли бўлиши учун лекция вақтида йўл-йўлакай савол-жавоб ташкил этади. Агар студентларнинг жавоби педагогни қаноатлантирмаса, ўзи тўлдиради.

Мазлума Асқарова қўшма гап (синтаксис) юзасидан бир неча илмий асарлар ёзгани учунми ёки ҳар сафар дарсга пухта тайёрланиб келишиданми, ҳарқалай у ўқиган лекциялар жуда сермазмун ва қизиқарли ўтади. Педагог лекция давомида майда-чуйда тафсилотларга берилиб кетмайди. Лекциянинг ҳар бир минутидан мақсадга муваффақ фойдаланиш учун илғор методлардан моҳирлик билан фойдаланади. Лекциянинг ғоявий-сиёсий йўналишига ва унинг таъсирчанлигини оширишга катта эътибор беради.

Мазлума опа педагогик ишни илмий-текшириш тадқиқотлар билан қўшиб олиб бормоқда. Газета ва журналлар саҳифаларида ҳозирги замон ўзбек тилини ўрганишга бағишланган сермазмун мақолалари босилиб чиққан. Унинг «Қўшма гапнинг кўчирма гапли тури», «Боғловчи юкламалар», «Бўл» сўзининг синтактик хусусиятлари ҳақида», «Айрим эргаштирувчи боғловчиларнинг қўлланиши ҳақида», «Боғловчисиз боғланган қўшма гаплар» ва шу сингари ўнлаб мақолалари эълон қилинди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти олимининг «Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар» монографиясини босиб чиқарди. Ўзбекистон ССР «Олий ва ўрта мактаб» давлат нашриёти унинг профессор А. F. Ғуломов билан ҳамкорликда ёзган «Ҳозирги замон ўзбек тили синтаксиси» номли асарини китобхонларга тақдим этди. Олий мактаблар учун синтаксис бўйича ёзилган бу илмий иш филология факультети студентларига мўлжаллаб ёзилган тўнғич дарслик эди.

Ўртоқ М. Асқарова фан чўқиларини эгаллаш учун астойдил ҳаракат қилаяпти. Ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида катта илмий-текшириш ишлари олиб боради. Унинг бу самарали меҳнатлари муваффақиятли якунланди. Яқинда Мазлума Асқарова «Ҳозирги замон ўзбек тилида эргаши эргаши усуллари ва эргаш гапларнинг типлари» деган темада докторлик диссертациясини ёқлади. У, Ўрта Осиё республикалари аёллари орасидан етишиб чиққан биринчи филология фанлари доктори бўлди.

Тошкент Давлат педагогика институтининг камтарин педагоги Мазлума Асқарова республикамиз аёлларининг кўрқидир. Меҳрибон она, моҳир педагог, таниқли олима Мазлума Асқарова фан оламида бундан кейин ҳам баракали ижодий иш олиб боради.

А. ИСМОИЛОВ.

Ҳар қандай қурилишни лойиҳасиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Шаҳримизни безаб турган осмон ўпар хашаматли биноларни кўрганингизда, турар-жой, кинотеатр, клуб ва мактаб-интернатларда бўлганингизда беихтиёр уларнинг бунёд этилишига асос солган лойиҳачилар меҳнатидан беҳад қувонасиз. Сиз кўриб турган суратдагилар Тошкентдаги лойиҳалаш институтининг лойиҳачи аёлларидан М. Х. Бурнашева, (чапдан) Л. Я. Клюева, Е. П. Проненко, Р. Тожиева ва О. Мирзуфаровалардир. Улар ўз касбларидан мамнун.

А. Тўраев фотоси.

ОЗОДА ЛАВҲА

Кимё опа Озодани туққанида бироз кўнгли жойига тушмагандай бўлди. Анчадан бери «ўғил кўрсам орзу-ҳавас кўраман» деб юрарди. «Муборак бўлсин»га келган аёллар бир пастда Кимё опанинг кўнглини олишди.

— Ҳафа бўлманг дугона, ўғил ёққан чиройли қиз ҳам ёқади. Ахир айтишадину «қизи борнинг қадри бор» деб.

— Хўш, исмини нима қўямиз, исмини.

— Озод замонада туғилди, исмини Озода қўйсан, — деди кимдир.

Кимё опа «майли, Озода бўлса, Озода-да...» деди.

Орадан анча йиллар ўтди. Озода ўн саккиз баҳорни кўрди. Бугун у ўнинчи синфни битирадиган, қўлига етуклик аттестат оладиган кун. Кимё опа севинганидан ўзини қўйгани жой тополмайди. У сабрсизлик билан қизини кутмоқда. Ана, йўлланда Озода кўринди. Унинг чеҳрасидан севинч аломатлари аримайди. Қиз чопқиллаб келиб онасини қучиб олди.

— Мана ойи, ўнинчини ҳам битирдим.

— Баракалла қизим, баракалла. Қани, уйчи кийимларингни кийиб чиқ энди, чой шақиллаб қайнаб ётибди. Узингниям роса қорнинг очгандир.

— Йўқ, ойижон, чойни нариндан-бери ичаман-у кетаман. Раисга бугун учрашмоқчи бўлдик. Қайси куни айтувдим-ку сизга...

Мана, колхоз идорасининг ҳашаматли биноси. Беш қиз чаққаллашганича бинога кириб кетди. Ҳартугур раис Ғуломмаҳмуд ака ўз кабинетида ўтирган экан. Қизлар эшикдан ийманибгина кириш-да, бараварига салом беришди.

— Э, келинглар-келинглар. Имтиҳонларни яхши топшириб олдинглармі? Қани ўтирінглар, нега турибсизлар.

Қизлар қатор тизилган стулларнинг бир чеккасига омонатгина ўтиришди. «Сен гапир» дегандай бир-бирларига қарадилар. Гапни Озода бошлади.

— Ғуломмаҳмуд ака бизларни ҳам колхозга оласизларми? Бешовимиз ҳам колхозга кириб ишламоқчимиз.

— Йўғ-е, ростан-а, — раис таажжубланганидан кулиб юборди, — сизлар колхозга кирар энансизлар-у, биз йўқ дермидин. Марҳамат, колхознинг эшиги сизлар учун доимо очиқ. Сут соғувчи бўлишни хоҳлайсизларми?

— Худди кўнглимиздагини топдингиз раис ака, — деди яна Озода,— ўзимиз ҳам сут соғувчи бўлишни мўлжаллаб турибмиз.

— Бўпти бўлмаса, эртадан бошлаб сизлар сут соғувчи, — деди раис ҳазиломуз оҳангда.

Қизлар кабинетдан ғоят хурсанд бўлиб чиқишди...

Мана, бу воқеага тўрт йил бўлди. Озода Мирзааҳмедова, Назира Алиева, Шоира Ҳанимова, Шарифа Набиҳонова ва Утқура Йўлдошевалар ўшандан буён колхознинг сут-товар фермасида ишлаб келишаяпти. Шу қизлар келди-ю, ферманинг баракасига барана қўшилди.

Озодани айтмайсизми, Озода ишга бўлган ишқ ўти, чаққонлиги, ҳаракатчанлиги, катта орзу-истаги билан ҳаммадан ўзиб кетди. Бултур боқимидаги сигирларнинг ҳар биридан 4 минг 300 литрдан сут соғиб олди. Бу йил нўзлаган марраси яна ҳам юксак. Яна охирига қадар эл дастурхонига етмиш минг килограмм серқаймоқ сут тортиқ қилмоқчи. Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар бир сигирдан 2 минг литрга яқин сут соғиб олди. Озоданинг собиқ синфдошлари Шарифа, Утқура, Назира, Шоиралар ҳам ана шундай ютуқларга эришишаяптилар...

Халқимиз «Меҳнатнинг таги роҳат» деб бечизга айтмаган. Озода ҳалол меҳнати орқасида бахтини, иззат-эҳтиромини, обрўсини топмоқда. Улар кўркам Юнусобод қишлоғининг бағрига шинам уй қуриб олишган. Уйларига бир боринг-а, газ дейсизми, телевизор дейсизми, радиола дейсизми, хуллас пири-бадавлат оилада бўладиган асбоб-анжомларнинг ҳаммасини кўрасиз.

Кимё опанинг шодлиги чексиз. У қизининг роҳатини кўрмоқда. Ахир бахт деганлари шу-да!

А. ШОРАҲМЕДОВ,

Калинин бошқармасидаги Карл Маркс номли колхоз.

ҲАЛИМАНИНГ ОРЗУСИ

Не-не меҳнат қаҳрамонларимиз ана шу беподёк тупроғимиз, ҳазина еримизни қадрлагани туфайли шуҳрат топди-да.

Ҳалима ҳам газеталарда ўз тенгқурлари ҳақида, уларнинг қилаётган катта ишлари тўғрисида ўқир экан, ич-ичидан қувонар, шуларга эргашиш орзуси билан яшарди.

Баҳор кунларининг бири, аввли экин пайтида звено бошлиғи Миракбар муҳим иш билан бир ёққа кетиб қолди. Лекин звено аъзолари бўш келмай маккажўхорини сифатли қилиб экиб олишди.

Жўхори ҳам қизлар кутгандай бир текис учиб чиқди. Бригада бошлиғи Ҳамид Абдураҳмонов Ҳалима Эргашевага:

— Сени Миракбаркинг ўрнига звено бошлиғи қилиб тайинладик, ўзинг биласанки, бригадамиз комсомол ёшлар бригадаси, ана шу номга муносиб иш қиласизлар, кейин сен машҳур жўхорикор Любовь Ли изидан боришинг керак, унинг бригадасига бориб тажриба ўрганиб қайтасан, — деб қолди.

Ҳалима шошиб қолди. «Борди-ю, жўхорини ўт бостириб юборсак, сувдан қўйсак унда уялиб қоламиз-ку!»— биринчи навбатда Ҳалиманинг дилидан ана шу гаплар ўтди. Лекин далага чиққач гуркираб турган экинни кўриб: «Бораман, Люба опам ёнига албатта бораман, у кишининг жўхорисини кўриб қайтаман» деган қарорга келди.

Ҳалима «Политотдел» колхозига келганида «дала малика»си устасининг бригадасига бугун областнинг Любовь Лиги қизлари йиғилишган экан. Улар ўз «малика»лари ҳақида гапирдилар. Лекин дугоналари биринчи йил бўлгани учун 40-50 гектардан ер олишипти. Ҳалима бўлса 80 гектар ер олиб, ўнинг 25 гектаридан дон оламиз, қолганини силосбоп кўкпоя учун ажратиб, ҳар гектар ердан 30 центнердан дон, 800 центнердан кўкпоя оламиз, деб қатъий ва ишонч билан айтди.

Аммо уйига қайтаётганда қоровул отаси Эргаш акага кўрган билганлари ҳақида ҳаяжон билан сўзлаб берди. Ота бўлса қизининг қувончига қўшилиб «орзуйинг баланд бўлсин, ҳаётнинг ўрни бир қўлимдан жуда этмаганда сенга кўмаклашардим, сен менинг кўнглимни кўтардинг, ниятингга ет қизим», деётгандай мамнун тикилиб турарди қизига.

Ф. УСМОНОВА

Юқори Чирчиқ, «III-Интернационал» колхози.

Эл даструҳонига мўл-нўл нози-неъматлар тўнишда, айниқса социалистик қишлоғимиз нишиларининг ҳиссаси катта. Гўшт, сут, тухум, сабзавот, мева дейсизми, барини етказиб беришда қишлоқда меҳнат қилаётган, эрлар билан бир сафда туриб моддий бойликлар яратаётган аёлларимизнинг ҳиссаси катта. Сиз суратда кўриб турган Чиройгул опа Жумабоева ҳам ана шу фидокор аёлларимиздан бири У Бекободдаги Ленин номли колхознинг товуқбоқари. Чиройгул опа ўзига бириктилган 2 мингга яқин товуқни меҳр билан парвариш қилганлиги туфайли колхоз давлатга тухум сотиш йиллик планини муддатидан анча аввал бажарди. Пландаги 80 минг дона ўрнига 90 минг дона тухум сотилди.

А. Абалян фотоси.

„ТЕРЕЗАНИНГ ТУГИЛГАН КУНИ“

Ўтган кун оқшоми минглаб телетомошабинлар зангори экранда кўрсатилган спектаклни ҳаяжонланиб кўрдилар. Георгий Мдиванининг Куба халқининг озодлик учун олиб борган курашини ҳикоя қилувчи «Терезанинг тугилган куни» асарини Тошкент телестудиясининг адабий-драматик эшиттиришлар редакцияси экранлаштирди. Эшиттиришнинг таъсирли чиқишида Тошкент театр рассомчилик санъати институтининг дипломанти режиссёр Мели Маҳкамов, режиссёр ассистенти Маҳмуд Икромов, оператордар Оқил Аъзамхўжаев, Умид Азимов ва редактор Самад Пўлатов кўп меҳнат сарфладилар. Тереза ролини ижро этган СССР халқ артисти Сора Эшонўраева ва бошқа асосий ролларни бажарган Ҳамза номли театр артистлари зўр маҳорат кўрсатдилар.

ЭЛНИ ЯСАНТИРАМИЗ

Комбинатимиз, жумладан фабрикамиз ҳам серунум техника билан қайта қуролланмоқда. Ҳозир участкамизда нам унумли 5-Т станоклари ўрнини АТ-100-5М агрегатлари эгаллади. Эски станокда бир соатда 3 метр 84 сантиметр газмол тўқилган бўлса, янгисида шу вақт ичида 4 метр 5 сантиметр газмол тўқилмоқда.

Ҳар бир тўқувчи узилган асосий ипни 26 секундда улаши керак. Еш тўқувчилардан Новикова, Хичевалар 22-24 секундда улаб, ҳар бири смена мобайнида 14-15 минутни тежаш ҳақида ташаббускорлик кўрсатишди.

Ҳозир Пустовая, Носова, Ҳамидова, Усова ва бошқа ўртоқлар бу ташаббусга қўшилиб нормани ортиги билан ўринлатишмоқда. Уларнинг ҳар бири ойига 103-105 процент кўрсаткичга эришмоқдалар.

Хотин-қизларнинг экономикани ўрганишига эътиборни кучайтирамиз. Бошланғич экономикани ўрганиш тўғарагига ўзим раҳбарлик қилмоқдаман. Тўғарак машғулотларининг ҳар томонлама қизиқарли бўлиши учун корхонамиз ҳаётидан мисоллар келтираман.

Буларнинг ҳаммаси сменамиз коллективи ишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўтган 5 ой мобайнида пландагидан ташқари 61 минг метрга яқин юқори сифатли газлама тўқиб, бугунги ўз съездимизга меҳнат тўёнаси билан келдик. Элимизни ранг-баранг ғазламалар билан ясантириш йўлида ҳоримай меҳнат қиламиз.

Салима МУСАЕВА

Тошкент тўқимачилик комбинати 1-тўқув фабрикаси 2-цехининг смена мастери.

ОЛОВ ҚИЗ

ҲИКОЯ

□ □ □

Саида ЗУННУНОВА

Моҳидил унаштирилган куни Ғаффор қишлоқдан ғойиб бўлди. Унинг қаёққа кетганини ҳечким, ҳатто бувиси ҳам билмасди. Шу кунларда Моҳидилнинг қулоғига ҳар шитирлаган нарса Ғаффорнинг оёқ товуши бўлиб туюлар, кечгача йўлга қарарди. У бугунни ҳам худди шу зайлда ўтказди.

Ҳозир ярим тун. Ойиси ўнг юзини ястиққа босганича ухлаб ётибди. Моҳидил пашшахонадан аста бошини чиқарди. Юзини тунинг майин шабадаси силаб ўтди. Атроф жимжит. Ой тиккага келган. Нима учундир юлдузлар сийрак, онда-сонда милтирашарди. Дарахтларнинг барглари сирли пичирлар, шундоққина чорпоя ёнидаги бодринг полизи жўякларида сув ялтилларди.

Моҳидил ҳовли тўғрисидаги айвонга секин қараб қўйиб, суғирилиб пашшахонадан чиқди. Акаси ярим кечагача ҳовлидаги экинни суғориб, яқиндагина ётганди. Уни шу акаси катта қилган. Фронтдан дадасининг ўлими ҳақида хабар келганида, эндигина ўн беш-ўн олти ёшга кирган шу Ҳайдар акаси ойланинг каттаси бўлиб қолди. Мактабга ҳам бормай қўйди. Бир томондан колхозга куч керак бўлса, иккинчидан тирикчилик ҳам енгил эмас эди. Ҳайдар кечгача далада ишлар кечқурун қайтишда ўт орқалаб келиб сигирга солар, кечасилари ҳам томорқада гимирсиб юрарди. Ҳайдар рўзғор тебратаётганиданми, ойлада ягона эркак бўлганиданми — ҳарқалай уйдагиларга гапини ўтказарди. Аввалига боланинг гаплари эриш кўринсада бориб-бориб ҳамма кўникиб кетди. Унинг гапини икки қилиб бўлмай қолди. У бир сўзли, зуғумли, жаҳлдор бўлиб кетди. Моҳидил ҳам акасининг ўжарлигидан зириллаб турарди.

Моҳидил ўзи билан бирга ўқиган ёввошгина Ғаффор деган болани яхши кўриб қолди. Ғаффорнинг ота-онаси ўлиб кетиб, кекса бувисининг қўлида қолган. У жуда камгап, аммо кўп китоб ўқир, ўлгундай ҳаёлпараст эди. Физика дарсини яхши кўрарди. Бўш бўлди дегунча колхоз электр станциясига бориб механикка қарашиб ярим кечада қайтиб келарди. Моҳидил бўлса унинг акси, ўлгудек шўх, дарсда ҳам тинч ўтирмай ўқитувчилардан роса гап эшитарди. Бундай кезларда Ғаффор унга қизарининг қараб, тинч ўтирсангчи, уялмайсанми, деб шивирлаб қўярди. Булар ўртасидаги дўстлик қандай қилиб муҳаббатга айланиб қолганини иккаласи ҳам билмайди.

Энди Моҳидил уни кўрганда аввалгидек тегажаклик қилмас, лапашанг деб кесатмас, уялиб мулойим тортиб қолганини ўзи ҳам сезмай қоларди.

Ўнинчи синфни тамомлаганлардан кейин иккаласи ҳам колхозда ишда қолишди. Моҳидил кўзга яқин, хушрўй бўлганиданми ҳовлиларидан совчилар аримай қолди. Моҳидил улар билан рўпара келиб қолгандай бўлса, аясига сездирмай шундоқ бир ўқраярдики, совчи хотин дурустроқ оғиз очишга журъат қилолмай кетиб қоларди. Шундоқ бўлса ҳам Моҳидил қўрқарди. Борди-ю, акаси биронтасига хўп деб қўйсачи! Унда нима қилади. Ҳайдар ҳам айтганини қиладиган ўжар. Ана шундан кейин Ғаффор билан учрашганда ғап орасида унга шама қилди. Ғаффорнинг дами ичига тушиб кетди. Ўтирган жойида бошини экканича анҳор лабидан ажриқ юлиб ҳадеб сувга ташлар, унинг бу ҳолати Моҳидилнинг ғоҳ раҳмини келтирса, ғоҳ бепарволикка ўхшаб жаҳлини чиқарарди. Ундан бирон садо чиқмагач Моҳидил тутоқиб кетди. Шартта ўрнидан туриб жўнаб қолди. Озроқ юриб орқасига қаради. Қаради-ю, Ғаффорнинг унга тикилиб турган кўзларида аввалги мулойимлик эмас, қўрқув, алам, афсус аралашиб кетган галати бир ифодани кўрди. Нима қиларини билмай тўхтаб қолди. Ғаффор бошини эгиб, секин унинг ёнига борди. Қизнинг кўзига бир қараб қўйдида, дудуқланиб, агар шундай бўлса... агар бошқа бировга... тексанг... мен... менга... мен бу ердан кетаман, деди. Моҳидилнинг бадтар жаҳли чиқди.

— Кимга ўчакишиб? — деди мазах қилганнамо. Ғаффор лабини ялаб ерга қаради. Моҳидил шиддат билан ўгирилиб тез-тез юриб кетар экан, топган гапини қаранг, лапашанг, деб ғулдиради. Ана шундоқ вазмин, лапашанг йигитчанинг бир қизни деб тутилиб ўсган жойини ташлаб кетишига ҳечким ҳам ишонмасди.

Моҳидилни бригадир Хожиқулнинг ўғлига унаштиришган кунидан бошлаб Ғаффор кўринмади. Моҳидил йиғлади, тўпалон қилди. Аяси унинг кўнмаяётганини акасига айтганда, Ҳайдар бақириб берди:

— Биламан, кимга элакишиб юрганини, Ғаффор битига хотин оладими?

Моҳидил чидаб туролмади.

— Ўзингизчи! — деди уйдан отилиб чиқиб,— ўзингиз ҳам келинойим текканида Ғаффордан ортиқ эмасдингиз-ку!

— Уятсиз! Уйга кир! Иккинчи гап қайтарсанг яхшилик кўрмайсан мендан. Ўзингни катта қилганим етмай, энди эрингни ҳам қўшиб боқаманми?

Моҳидил бир сесканиб тушди, Аммо йиғламади. Уйга кирдида, анча вақт хаёл суриб ўтирди. Кейин бир фикрга келгандай кескин ҳаракат билан ўрнидан туриб ҳовлига чиқди. Аяси қозонга олов ёқиб қўйиб пиёз тўғрарди.

— Аканг сенга ёмонликни раво кўрармиди, болам. Ўзингни ҳам, уни ҳам хафа қилма.

— Боққан бўлса раҳмат. Лекин, менинг бахтим эвазига боқмагандир.

Она кўзини пирпиратиб бу гапнинг маъзини чаққунча Моҳидил кўчага чиқиб кетган эди. У нимага чиққанини, қаёққа боришини билмай турганда катта кўчадан бригадирнинг ўғли велосипеда ўтиб қолди. Нарироққа бориб тўхтади. Велосипедини тутга суяб қўйиб, магазинга кириб кетди. Бирон нарсага келган. Ҳозир уйига қайтади,— деб ўйлади Моҳидил. Бир нафас тараддудда тургандан кейин тўғрисидаги ингичка кўчага ўтиб, катта қизил дарвозали мактаб ҳовлисига кирди. Каникул бўлгани учун мактаб жим-жит, ҳовлида оҳак қорилган бочка билан янги бўялган уч-тўртта парта турар, айвон олдида сассиқ алафдан қилинган узун сопли супурги ётарди. Моҳидил уёқ-буёққа алангламоқда, қалин олчазор орасидан қўшнининг томорқасига ўтди. Пастаккина девордан аввал туфлисини ечиб ирғитди. Кейин ўзи тирмашиб чиқиб, бошқа бир кўчага тушди. Қуёш ботган бўлса ҳам ҳали ёруғ эди. Бир пойи тўнкарилиб ётган туфлисини қоқиб оёғига кийди-да, кўчани кесиб ўтган кичикина ариқ лабидаги ярми қуриган катта тол панасига ўзини олди. Бахтига кўчада ҳечким кўринмасди. Яхши бўлди, ўзида ҳам тил-забон бор, нима қилади акаси устидан комитетга арз қилиб, ўзи эпполмаса бошқа гап эди. Ожизнотавон арз қилади. Моҳидил унақалардан эмас. Бошига ёққан қорни ўзи қурайди. У арз қилиб ўрганмаган. Дам ўтмай муюлишда велосипед кўринди. Унинг рулига халта осиб хотиржам келаётган йигит бирдан тўхтади. Сал бўлмаса йиқилиб тушар эди. Нима қиларини билмай рўпарасида хурпайиб турган Моҳидилга қараб кўзларини пирпиратди.

— Мен сизга тўғрисини айтиб яхшилик қилмоқчиман,— деди Моҳидил унга тикилиб. — Мен сизни яхши кўрмайман. Агар шунга қарамай уйланавераман десангиз, билиб қўйинг, тўй куни қочиб кетиб шармандангизни чиқараман. Агар қўл-оёгимни боғлаб беришганда ҳам барибир тўйни азага айлантирораман. Айтганимни қилмасам, отимни бошқа қўяман, билиб қўйинг. Яхшиси пулингиздан ҳам, обрўйингиздан ҳам айрилманг. Ҳали менинг совунимга кир ювмаган экансиз. Бошқа қиздан қолмаганингиз маъқул.

Моҳидил шундай деди-ю, жавоб ҳам кутмай ҳали ошиб ўтган пастак девор олдига келиб туфлисини яна ечиб ирғитди. Кейин ўзи тирмашиб гуп этиб ичкарига тушди. У, йигитнинг ҳоли нима кечганини билмади. Фақат эртаси куни уйга одам келиб тугун-терсакларини қайтариб олиб кетди. Орадан нима гап, нима сўз ўтганини Моҳидилдан бошқа ҳечким билмас, ҳамманинг дами ичида эди. Айниқса Ҳайдар жуда таажжб, сал нарсага бақириб, ўшқириб берар, Моҳидил шу кунларда унга рўпара келмасликка уринарди. Шундай қилиб тўй тўхтади. Аммо Ғаффордан дарак йўқ. Бувиси ҳам йиғлаб юрганмиш. Раис ҳам қидиртираётган эмиш...

Девор орқасида алланарса шитирлади. Моҳидил ҳаёлдан бошини қўтариб секин сўридан тушди, яланг оёқ шапиллаб девор ёнига борди. Йўқ, жим-жит. Қаёқда юрибди экан. Тагин ўзини сув-пуға ташлаган бўлса-я! Бу ўй Моҳидилни ваҳимага солиб қўйди. Чиндан ҳам Ғаффорга бирон нарса бўлгандек юраги гупиллаб ура бошлади. Тўс-тўпалон қилиб ҳаммаёқни бошига кўтаргиси, ҳаммани оёққа турғизгиси келарди. Қаёқларда юрибсан менинг лапашангим, деб нола қиларди кўнгли, сен бахтингни ташлаб кетдинг, мен эса уни қуваман, топмагунимча, етмагунимча қўймайман. Ана шунда... ана шунда озгина таъна ҳам қиламан сенга. Фақат соғ бўлсанг бас. Осмонда бўлсанг ҳам, ерда бўлсанг ҳам топаман.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„ЗАРБДОР ҚУРИЛИШНИНГ ХИРА ТОМОНЛАРИ"

Тошкент ГРЭСи қурилишини авж олдириб юбориш учун айрим камчиликлар тўсиқ бўлиб тургани, жумладан Чирчиқ электрохимия комбинати кислород етказиб бермаётганлиги, Тошкент кабель заводи ва «Главстройиндустрия»нинг Оҳангарондаги 8-темир-бетон заводи зарбдор қурилиш заказларини ўз вақтида бажармаётганликлари юқоридаги сарлавҳа билан шу йил 16 апрелда газетамизда босилган рейд-мақолада танқид қилинган эди.

«Узгидроэнергострой» трести бошқарувчисининг ўринбосари ўртоқ З. Хусаинов шу мақола юзасидан қуйидаги жавобни юборди:

«Газета зарбдор қурилишнинг хира томонларини жуда тўғри ва ўз вақтида танқид қилган. «Узбекгидроэнергострой» ва Тошкент ГРЭС қурилиши маъмурияти кўрсатиб ўтилган намчиликларни тугатиш юзасидан бир қанча амалий тадбирлар кўрди.

Қурилишда кислород танқислиги масаласи ҳал қилинди. Апрель ойида 180 баллон кислород олинган бўлса, май ойининг биринчи ярмидаёқ 368 баллон кислород олинди. Бу эса қурилиш ишларини қондирмоқда. «Узбекгидроэнергострой» ишчи-ёшлар ГРЭС ётоқхонасини жиҳозлаш учун май ойида 6 минг сўмлик маблағ ажратди. Ёшлар ўртасида сиёсий оммавий ва тарбиявий ишлар олиб борадиган тарбиячи ажратилди.

РЕДАКЦИЯДАН:

Шуни айтиш керакки, баъзи корхоналар қурувчилар заказини қўнгилдагидек бажармаётирлар. Жумладан, «Главстройиндустрия»нинг Оҳангарондаги 8-темир-бетон буюмлари заводи апрель ойида 140 кубометр ҳажмда темир-бетон панеллар юбориши лозим эди. Май ойига келиб фақат 70 кубометр панель етказиб берди. Ваҳоланки, «Главстройиндустрия»нинг бош инженери ўртоқ Мавсиков бу заказни 15 апрелгача адо этамиз, деб ГРЭС раҳбарларини ишонтирган эди. Завод раҳбарлари бинокорларни биринчи марта доғда қолдираётганлари йўқ.

«Коопторг»нинг Калинин район бўлими раҳбарлари ҳам боқи беғам чиқиб қолишди. Улар қурилиш атрофидаги ошхона ва магазинлар хизматини яхшилаш ҳақида нуқул қуюк ваъда берадилар, холос. Газетамизда очиб ташланган нуқсонларни ҳанузгача бартараф қилиш чораларини кўрмаётганликлари кишини таажжублантиради.

ОШХОНА—ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИДА

Охунбобоев номли Тошкент медицина билим юрти студентлари учун хизмат қиладиган ошхонада юлғичлик, сифатсиз овқатлар тайёрлаш, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилмаслик каби ҳоллар бир неча ойдан бери давом этиб келарди. Булар ошхона директори ўртоқ Алиевни ташвишлантирмас, шикоятлар эса уни қизиқтирмас эди.

Студентларнинг қаттиқ танқидига учраган Алиев ошхонада қатъий тартиб ўрнатишга астойдил киришди. Суткасига 800 кишига хизмат қилиш учун мўлжалланган ошхона 1000 кишилик қилиб кенгайтирилди. Хўрандаларга хизмат кўрсатишнинг аҳволини мунтазам кузатиб боришни жамоатчилик ўз қўлига олди. Кўпчилик ёрдамида аниқланган камчилик-нуқсонларга барҳам бериляпти. Таомларнинг сифати ҳам анча яхшиланди, студентларнинг узоқ кутиб қолмасликлари таъминланди. Ш. Отабоев, М. Отажонов, Ж. Дадамуҳамедова каби жамоатчи контролёрлар ошхонада мунтазам равишда навбатчилик қиладилар. Бирор камчилик аниқланса шу ернинг ўзида ҳал қиладилар.

Ошхонада жамоатчилик назорати ўрнатилганлиги ўз самарасини бермоқда.

А. ХОЛМАТОВ.

ЖАНЖАЛНИНГ БОИСИ НИМА?

Эрталаб очиқ турган ҳаво бир зумда айнади-ю, ёмғир шарроС қуйиб юборди. Бугун районга жўнайман деб турган Манзура опа раис хонадаги деразадан ташқарини кузатаркан ҳаёлидан ўтказди: «бугун бормай қўяқолайми?». Қўлидаги бир парча қоғозга битилган аризани яна ўқиб чиқди. «Нарсаларимни ажратиб берингларр, турмушимиз бўлмайди энди» дейилган унда. Нега бўлмас экан? Ўртада 2 фарзанд борку, жанжалнинг асл боиси нима? Бу саволлар турмушнинг аччиқ-чучугини ёшлардан кўра кўпроқ татиб кўрган кекса аёлнинг ҳаёлини чулғаб олди.

Манзура опа секретарга: «Икромжон келса айтиб қўйинг, мен Ўрта Чирчиққа кетдим» деб уқтиргач тўғри автовокзалга қараб йўл олди. Аризачи Турсуной Усмонованинг турмуш ўртоғи Сайдамин Усмоновни шолиподан топди. Қуёвнинг отаси ҳам шу ерда экан.

Салом-аликдан сўнг суҳбат секин-аста қизий бошлади. Опа ётиғи билан муддаога кўчди:

— Сайдамин, Турсунойни жуда ташлаб қўйдингиз, болаларни соғинмаяпсизми? Е чолкампирга ёқмай қолдими?

Йигит ерга тикилди. Сўзга отаси аралашди:

— Нега ёқмас экан, мунчоғдай иккі боласи бор, эсласам юрагим эзилади. Аммо лекин келинимиз қайнонасини хафа қилган-да..

— Қандай қилиб?

— Яхшиси, юринг, уйга борайлик, бафуржа гаплашамиз.

Бир оз у ёқ бу ёқдан гаплашиб ўтиришгач Манзура опа яна синчковлик билан гапни мақсадга бурди. Икки ёшнинг турмуши бузилишининг сабаблари билан қизиқди.

— Келинингиз сизни хафа қилдими?— қайнонага мурожаат қилди у.

— Хафа қилиш ҳам гапми, борган жойида «қайнонам оғир оёқ дебди».

Манзура опа кулгидан ўзини зўрға тийиб қолди. Маълум бўлишича, Турсуной меҳмонга борганида қайнонасини келмадиларми деб сўрашган экан, у бўлса кексачилик, уй ишидан ортиниб чиқишлари қийин демоқчи бўлиб «оғир оёқ бўлиб қолганлар» деб юборибди.

Жанжалнинг боиси ана шу! Афтидан баъзи майда гап аёллар бирни икки қилиб унга бошқача қилиб етказишган. Қайнона келининг муросаси бузилган. Оқибатда «онамни ҳурмат қилмайди» деб Сайдамин ҳам юз ўгирган.

Меҳмоннинг эътироз билдириб бўлмайдиган бамаъни мулоҳазалари олдида қайнонақайнота ҳам, Сайдамин ҳам ҳижолат чекишди. Гапни бир жойга қўйиб, «яраш оши»ни баҳам кўришга қарор қилишди. Манзура опа қишлоққа жуда енгил тортиб қайтди. Орадан 3—4 кун ўтгач «Турсуной эри билан ярашибди» деган хабар тарқалди...

Бу Қатортол қишлоқ Советининг депутати кекса жамоатчи Манзура Каримованинг ариза-шикоятларни ҳал қилиш соҳасидаги фаолиятидан бир шингилгина холос. Қишлоқ Советида меҳнаткашларнинг шикоят-аризаларини қараб чиқиш, ҳал қилишни биринчи даражали иш деб билишади. Қўлимиздаги аризалар ва уларнинг четига ёзилган натижалар, шикоятларни қайд қилиш дафтари шундан далолат бериб турибди.

Бу ерда меҳнаткашларни қабул қилиш тартиби ҳам кишини хурсанд қилади. Ким қабул қилади, қайси кун, қайси соатда, аниқ-равшан қилиб кўринарли ерга осиб қўйилган. Қишлоқ Советининг раиси Икром Мўминов ҳар куни эрталаб 11 гача келувчиларга жавоб-муомила қилади-да, сўнг ўрнига одам қўйиб бошқа юмуш билан кетади. Депутатлар эса галма-гал навбатчилик қилишади.

КЎМАКДОШЛАР

Қишлоқ Советининг навбатдаги сессиясида эртаги экинларни парвариш қилишнинг бориши ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Қишлоқ хўжалик доимий комиссиясининг ҳисоботи эшитилди.

Ана ўшанда илғор тажрибаларни оммалаштириш, оқсаётган бригадаларга кўмаклашиш учун махсус одам ажратиш керак деган фикрга келишди. Бу вазифа «Москва» колхозининг звено бошлиғи М. Усмонов каби тажрибали деҳқонлар зиммасига юкланди. Парваришда орқада қолаётган бригадалар аниқланиб, уларга амалий ёрдам берилди. Натижа кўнгилдагидек бўлди. Парваришда орқада қолаётган баъзи бригадалар олдингилар сафидан ўрин олди. Доимий комиссия составига ишнинг кўзини биладиган, деҳқончилик илмини пухта эгаллаган кишиларнинг киритилгани ана шундай пайтларда жуда қўл келяпти. Комиссия аъзолари доимо далада ишлаётганларга кўмакдош. Мўл ҳосил учун жон куйдиришади.

Соғлиқни сақлаш доимий комиссиясининг иши ҳам чакки эмас. Аҳоли ўртасида медицина темаларида мутахассислар суҳбатини уюштириш, турли касалликларга қарши профилактика тадбирларини амалга оширишда комиссия аъзолари ташаббус кўрсатишмоқда.

Сайловчилар қишлоқ территориясида рентген кабинети очиб бериш ҳақида наказ беришганди. Лекин буни амалга ошириш осон бўлмади. Масала қишлоқ Советида ҳам бир неча бор кўтарилди. Доимий комиссия ишга астойдил киришди. Район ижроия комитети ва юқори ташкилотларга мурожаат қилинди. Ниҳоят Хирмон тепада рентген кабинети ишга туширилди. «ХХ партсъезд» колхозида қад кўтарган янги 11 йиллик мактаб биноси ҳам сайловчилар наказлари асосида вужудга келди.

Маориф, савдо ва бошқа доимий комиссияларнинг фаолиятидан ҳам бундай мисолларни келтириш мумкин. Улар қишлоқ Советининг олдида турган кўп қиррали вазифаларни бажаришда яқиндан ёрдам бермоқдалар.

БЕКОРЧИ БЎЛМАСИН!

Бир кун туз ичган жойга 40 кун салом дейдилар. Колхоз тупроғида яшаб, унинг ноз-неъматларидан баҳраманд бўла туриб ана шу хўжаликка наф келтирмаслик, меҳнатсиз яшаш, бу — жиноят. Қишлоқ Совети бекорчиларга ана шундай деноқда.

Депутатлар бир ёқадан бош чиқариб қишлоқда яшаб, фойдали меҳнатга тортилмай қолганларни битталаб аниқлаб чиқишди. Ҳалол меҳнатдан бўйин товлаб келаётган айрим текинхўрлар фош қилинди. Уларнинг бештаси ўз ўрнини даладан топди, ишламай тишлашга ўрганиб қолган баъзиларнинг масаласи эса тегишли органларга ҳавола қилинди. Ҳар иккі колхозга депутатлар биркитиб қўйилди. Колхоз бригадалари, хонадонларни айланиб кўрилганда 60 дан ортиқ киши турли сабаблар билан ишга мунтазам чиқмаётганлиги аниқланди, улар ҳозир «ХХ партсъезд» колхозида ўз нормаларини ошириб адо этмоқдалар.

Қишлоқ Совети қурт боқиш вақтида айниқса жонбозлик кўрсатди. Пилла етиштириш соҳасида катта тажриба орттирган Манзура опа Каримова тўғрисида яна алоҳида тўхтаб ўтмоқчимиз. У уй ишлари билан шуғулланувчи аёлларни қурт тутишга жалб қилди. Уларга ўзи бош-қош бўлиб, яқиндан кўмаклашди. Барг билан вақтида таъминлаб турди. Ўз ихтиёри билан қурт тутган 150 аёл мавсум меҳнат нормасини ошириб адо этди.

Депутат Н. Хўжахонова биркитиб қўйилган «Москва» колхозидаги илғор пилларичиларнинг ҳам ютуқлари кишини қувонтиради. У Усмонов бригадаси ҳар қутидан 110 килограмм, қишлоқ Советининг депутати Э. Зайниддинов бригадаси эса ҳар бир қутидан 80 килограммдан пилла топширишди. Умуман қишлоқ Совети қурт боқиш ва пилла топшириш кампаниясини намунали ўтказишда катта ҳисса қўшди.

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

ҚИШЛОҚ СОВЕТИДА

КАТТА РУЗҒОР СОҲИБИ

Дарҳақиқат, Қатортол қишлоқ Советидаги ҳар икки хўжалик — «ХХ партсъезд» ва «Москва» колхозлари катта рўзғорга эга. Колхоз меҳнаткашлари шаҳарликлар учун ҳар йили мўл-кўл сабзавот ва полиз маҳсулотлари етказиб бераётирлар. Қишлоқ Совети ўзининг бутун фаолиятини ана шу хўжаликларни юксалтириш, далада ишлаётганларга маданий-маиший хизматни яхшилаш ва қишлоқни обод қилишга қаратган.

Кейинги пайтда қишлоқ қиёфаси кескин ўзгарди. Колхозчи хонадонлар учун янги-янги шинам уй-жой биноларі қад кўтарди. Катта радиоузел ишлаб турибди. Колхозларнинг деярли барча бригадаларида дала шийпони бор. Дала шийпонлари туш пайтларда колхозчиларнинг овқатланиб, маданий дам олиш жойига айланган. Хуллас, қишлоқни кезиб, унинг ҳаёти билан чуқурроқ танишсангиз у борган сари ривожланаётганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Бунда албатта қишлоқ Совети ва унинг депутатларининг муносиб ҳиссаси бор. Шуниси қувончлики, 70 дан ортиқ депутатнинг деярли 90 процанти ишлаб чиқариш илғорлари, моддий бойликлар яратаётган азамат колхозчилардир.

— Ишимизда ҳали камчиликлар кўп,— дейди қишлоқ Советининг ранси Икром Мўминов камтарлик билан,— айниқса йўл қурилиши ва ободончилик соҳасида оқсаб турибмиз. Бажарилмаётган баъзи наказлар ҳам йўқ эмас. Лекин камчиликлардан, дуч келадиган қийинчиликлардан чўчимаймиз. Депутатларимиз ишчан. Улар билан ҳамқишлоқларимиз хизматидамиз.

Г. СОЛИҲОВА,
Н. НАСИМОВ.



Бу кўркам бино Тошкентнинг Богдан Хмельницкий кўчасида қад кўтарди. Келин-куёвлар бу ерга келиб ҳаётдаги энг ширин дамларини ўтказишади: никоҳ қайд қилинади. Шунинг учун ҳам бу бинони никоҳ саройи деб аташади.

Ш. Исроилов фотоси.

ЦЕХДА КУТУБХОНА

Пойтахтдаги 1-пойафзал фабрикасининг 7-цехи ишчилари ўз кучлари билан яқинда кутубхона ташкил этдилар. Ҳар бир ишчи-китобхон кутубхонага иккитадан турли адабиёт олиб келиб топширди.

Ҳозир кутубхонада 500 дан ортиқ китоб бор. Кутубхонага корхонанинг коммунистик меҳнат зарбдори, илғор ишчи Ю. Ягуртова мудирлик қилмоқда.

У. КАРИМОВ.

ҲОҲЛАГАНИНГИЗНИ ТАНЛАНГ

Чиланзор массивининг Ю. Гагарин номли кўчаси кишилар билан гавжум. Ҳар ер, ҳар ерда вешалкаларга турли фасондаги костюм ва кўйлаклар, пальтолар илиб қўйилибди.

— Сизга қайси фасон ёқади? Хушмуомала савдо ходимлари бу ерга келаётганларга шундай мурожаат қиладилар.

Тошкент шаҳар меҳнаткашлар депутатлари Совети ижроия комитетининг маданий-маиший хизмат кўрсатиш бўлими ташаббуси билан ташкил этилган кийим-кечаклар виставкаси катта қизиқиш туғдирмоқда. Виставкада Ленин номли тикувчилик фабрикасидан келтирилган 150 дан ортиқ фасондаги кийим-кечакларнинг нусхаси намойиш қилинмоқда.

Агар кўнгилга ёқадиган кийим-кечак олмоқчи бўлсангиз виставкага марҳамат. Бу ерда эркаклар ва аёлларнинг пальтолари, костюмликлар, болалар кийимлари, ҳар хил кўйлакларни сотиб олишингиз ёки бўлмаса заказ қилишингиз мумкин. Шунингдек бу ерда махсус бичиқчилар ҳам бор. Материални шу ернинг ўзидан сотиб олиб хоҳлаган кийимингизни бичириб олишингиз мумкин.

У ерда 5-декабрь пойафзал фабрикаси маҳсулотлари виставкаси ҳам бор. Виставкада эркаклар ва хотин-қизларнинг, болаларнинг 70 дан ортиқ янги фасондаги оёқ-кийимларидан танлаш мумкин.

Сал нарироқда буфет, стол, стул, шкафлар катор қилиб тартиб билан териб қўйилибди. Булар «Стройбитремонт» фабрикасининг маҳсулотлари.

Виставкада бадиий буюмлар, химчистка фабрикалари ҳамда бошқа корхоналар ҳам ўз маҳсулотларининг нусхаларини намойиш қилмоқдалар. Бундай виставка республика хотин-қизлари съезди олдидан Театр майдонида ҳам очилади.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

„БЕНЗОКОЛОНКА МАЛИКАСИ"

Қардош украин санъаткорлари яқинда кино мухлисларига тақдим этган «Бензоколонка маликаси» фильмини томошабинлар қизиқиш билан кўрмоқдалар. Бунда, бизнингча, комик роллар устаси, «Қизлар» фильмида хушчақчақ нучли иродали қиз — Тося образини яратиб халқаро фестиваль мукофотига сазовор бўлган артистка Наденда Румянцеванинг хизмати катта. Соф қалбли Людмила эндигина ўнинчи синфни тамомлайди. У аввал баъзи ёшларга хос хусусият — фақат дабдабали ишга интилади. У орзу қилган телевидение диктORлигига ҳам, балетга ҳам, туристик машиналар экскурсоводи ишига ҳам ўтаолмайди. Ленин тушкунликка тушмайди. Тинмай ўз устида ишлайди. Артистка талқин этаётган образининг моҳиятига тушунган ҳолда фильмнинг дастлабки кадрлариданоқ бир тенис ритм танлаб, уни сўнгги эпизодларгача давом эттирган.

Фильмдаги асосий қаҳрамонлар ролини ижро этган артистлар А. Сова (Панас), А. Кожевников (Тарас) ўз вазифаларни сидқидилдан бажарганлар. «Иккинчи даражали» қаҳрамонлар ролини ўйнаган айрим артистлар (Н. Копержинская-Рогнеда, Ю. Белов-Славка)лар эса образларни экранда атрофлича мужассамлаштиришга эришаолмаганликларини қайд қилиш керак.

Фильмда воқеалар асосан бензоколонкада юз беради. Бу ерга «вақтинча» ишга кирган Людмила тезда меҳнат завқига берилиб кетади. Унинг ғайрати софдил, лекин қатъиятсизлиги туфайли бюрократликка мойил бўлиб қолган Панасда меҳнатга янгича муносабатда бўлиш ҳиссини туғдиради. Аввалари ҳар нарсадан ҳадиксировчи Рогнеда эса Людмиладан ишлаб чиқаришнинг янги методларини, кишилар билан хушмуомала бўлишни ўрганади. Людмиланинг ташаббусидан кейин улар ўз вақтида фақат бензин билан эмас, балки дам олиш жойлари, яхши жиҳозланган ошхона билан ҳам таъминланадилар.

Фильмда кулги уйғотадиган эпизодлар кўп. Бундай вазиятларнинг экранда яққол акс этишида фильм ижодкорлари турли кинематографик воситаларидан унумли фойдаланганлар. Актёрларнинг мимикаларини, хатти-ҳаракатларини оператор М. Иванов томошабинга рангли надрларда етказган. Иванов операторлик санъатининг бошқа воситаларидан ҳам кенг фойдаланган.

Фильмда илғари сурилган фикрлар қатор драматик воқеалар ривожида ўткир ҳазиллар, диалоглар ва энг муҳими актёрлар санъати орқали ечилган. Аммо режиссёр, баъзан томошабинни нима қилиб бўлса ҳам кулдиришга ҳаракат қилинган. Бу эса фильм режиссурасини ҳаётийлигига путур етказган, уни уйғунсизлаштирган.

Довженко номли Киев киностудияси ишлаган янги кинокомедия айрим камчиликлардан холи бўлмаса ҳам, уни томошабинлар қизиқиш билан томоша қилмоқдалар.

Х. АКБАРОВ.

ИХТИСОСЛАШТИРИШНИНГ АФЗАЛЛИГИ

КОРХОНАЛАРНИ КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ГАРОВИ ♠ 20 ЗАВОД 70 КОРХОНАНИНГ МАҲСУЛОТИНИ БЕРАДИ ♠ ЯНГИ ХИЛ МАҲСУЛОТГА «ЯШИЛ ЙЎЛ» ♠ МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ ҚЎШИМЧА 16—17 ПРОЦЕНТ ОШАДИ.

Ўрта Осиё халқ хўжалик кенгаши машинасозликни ихтисослаштиришнинг кенгайтирилган программасини қабул қилди. ТАСС мухбирининг илтимосига биноан халқ хўжалиги кенгаши раисининг ўринбосари Л. О. Назарянц бу программани шарҳлаб берди.

— Узбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистоннинг кўпгина заводларида шу пайтга қадар бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилар эди. Ишлаб чиқаришнинг майдаланиб кетганлиги, табиийки, комплекс механизация ва прогрессив технология афзалликларидан тўла фойдаланиш имконини бермас эди.

Аввал иқтисодий райондаги 70 корхонада 20 хил маҳсулот ишлаб чиқариларди. Уларни марказлаштириш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу вазифани энди 20 та ихтисослаштирилган завод муваффақият билан бажара олади.

Шу давргача культиваторлар «Чирчиксельмаш»да, Тожикистондаги Нов механика-ремонт ҳамда Туркманистондаги «ТССРнинг ХХ йиллиги» заводларида тайёрланар эди. Эндиликда бу механизмни энг йирик корхона ҳисобланган «Чирчиксельмаш» заводи ишлаб чиқаради. Нов заводи илгари Туркманистондаги «Ашнефтмаш» ҳамда «Ташгазоаппарат» заводлари планида кўзда тутилган бороналар ишлаб чиқаришни ўз зиммасига олди. «Ташгазоапларат» газ плиталари ишлаб чиқаришдан ҳам озод қилинди. Газ плиталарини эса Душанбедаги «Торгмаш» заводи тайёрлаши маъқул топилди. Тошкентдаги завод эса сув ситадиган колонкалар тайёрлаш билан шуғулланадиган бўлади. Чунки бундай турдаги маҳсулотга эҳтиёж кўп. Газ балонлари, метизлар, электрод ва трансформаторлар, кабель маҳсулотлари ҳамда идиш-товоқлар ишлаб чиқариш ҳам шундай принцип асосида жойлаштирилади. Корхоналарни деталь-технологик жиҳатдан ихтисослаштириш ҳам катта фойда келтиради. Йирик заводлар бутун иқтисодий районни ўхшаш технология бўйича ишланадиган деталлар билан таъминлаб туради.

Халқ Хўжалик Кенгаши конструкторлик-технология бюросининг ҳисоблашлари шуни кўрсатадики, 1963—65 йилларга мўлжалланган ихтисослаштириш программаси меҳнат унумдорлигини қўшимча 16—17 процент ошириш имкониятини беради (ТАСС).

ЖОННИНГ РОҲАТИ

Завод дарвозасидан киришингиз биланоқ қайноқ меҳнат нафасини сезасиз. ишчиларнинг оғирини енгил қилаётган ажойиб машиналарнинг ишини кўриб, шодланасиз.

Заводнинг дон тозалаш цехи. Бу ерда ишнинг асосий қисмини механизмлар бажаради. Цехдаги сепараторларда тозаланган дон катта элакларда эланиб, шипга бўй чўзган станокларда янчиляпти. Тозаланган ун эса контроль элагига юборилиб, автомат тарозиларда тортилмоқда ва омборларга транспортёр ёрдамида жўнатилмоқда... Кепаклар ҳам пневматик установкалар ёрдамида омборга узатиляпти...

— Ишимиз жуда қизиқарли, — дейди ишчи Анвар Қозоқбоев. — Тўғрисини айтганда кўплаб маҳсулот ишлаб чиқаришимизда машина жоннинг роҳати бўляпти...

Анвар аканинг гапи ҳақ. Чиндан ҳам завод ишлари билан танишган кишининг бунга тўла ишонч ҳосил қилмай иложи йўқ.

Бундан 2-3 йил муқаддам корхонада ишнинг оғири қўл кучи билан бажариларди. Аҳил коллектив ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштиришга астойдил киришди. Ўнлаб янги асбобускуналар келтирилди, технология такомиллаштирилди. Меҳнатсеварларнинг ҳаракати зое кетмади: изланиш ўз меваларини беравошлади. Улар ўтган йили 40 минг тоннага яқин ун тайёрлаб, йиллик планни анча ошириб адо этдилар. Завод фидокорлари 1963 йилнинг ўтган ойлаорни ҳам яхши меҳнат зафарлари билан якунлашди. Савдо корхоналарига 11 минг 113 тонна ун топширилди. Шу давр ичида тежалган 37,5 минг киловатт-соат электр энергияси қўшимча 500 тонна ун тайёрлаш имконини берди. Маҳсулот таннархи 2,5 процентга камайди, меҳнат унумдорлиги эса 108 процентни ташкил этди.

Завод директори ўртоқ П. Турсунхўжаев ишлаётган машиналарга завқ билан қараб тураркан, илгари кепаклар занжирли транспортёрлар ёрдамида ташқарига олиб чиқилгани ва қўлда машиналарга ортилганини ҳикоя қилиб берди да, сўнгра қўшиб қўйди: — Эндиликда 50 тоннали бункерлар ўрнатдик, бу бункерлар орқали цехларда чиққан кепаклар тўғридан-тўғри машиналарга ортилавераді. Ҳозирги пайтда цехда қопланган ун омборларга автоматик тарзда узатилиб турибди. Амалга оширилган бу тадбирлар кўплаб маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш имконини берди.

Бош инженер ўртоқ Н. Криворук суҳбатга аралашди:

— Дон янчишдан бошлаб уни омборга олиб келишгача бўлган процессларнинг тўла механизациялашганлиги бир кунда 175 тонна ёки аввалгидан 25 тонна кўп дон янчиш имконини бермоқда...

Корхонада коммунистик меҳнат ҳаракати авж олмоқда. Ҳозир 99 ишчи коммунистик меҳнат зарбдори 6-цех эса коммунистик меҳнат цехи деган шарафли номни олишга сазовор бўлди. М. Измаилов, З. Мирзаева, Е. Маслова, Б. Платонов сингари коммунистик меҳнат зарбдорлари ғайрат кўрсатиб белгиланган топшириқларни доимо ортиғи билан адо этмоқдалар.

Корхона коллективи Фарғонадаги 5-ун заводининг ишчилари билан мусобақалашмоқда. Улар йиллик планни 20 декабргача бажариш ҳамда йил охиригача савдо корхоналарига планга қўшимча 1380 тонна ун жўнатишга аҳд қилганлар.

Меҳнатсеварларнинг ваъдага вафо қилишларига ишонса бўлади. Чунки, халқимизнинг механизацияга таянган ютқазмайди деган доно нақлини дилга жо қилган азаматлар машиналар жиловини қўлга олишган.

С. ЕҚУБОВ,
Тошкентдаги 3-ун заводи.

Моҳидил атрофга аланглади-да, пашшахонани паналаб ўтиб, секин тандир ёнига борди. Айвондан аввал чақалоқнинг йиғиси, кейин хуррак эшитилди. Кўшни ҳовлида товуқ патилларди. Ток сўрисига осилган тўрқовоқ бир қимирлаб қўйди. Моҳидил деворга қисиниб секин-секин беҳи панасига ўтди. Унинг эгри-бугри танасига осонлик билан чиқиб, деворга, ундан кўчага тушди. У азалдан ҳам қўрқоқ эмасди. Ҳозир бўлса қўрқиш хаёлига ҳам келмас. Ғаффордан бирон дарак топмаса юраги тарс ёрилгундай эди. Катта кўчани кесиб ўтиб туғруқхонанинг орқасидаги йўлга бурилди. Туғруқхона деразасидан кўчага тушиб турган тўртбурчак хира нурни аллақандай соя бир нафас тўсди-да, сўнг дарров йўқолди. Моҳидил шошиб ўтиб кетди. Аллақаердан эргашган катта қора итни кесак отиб ҳайдаб, муюлишдаги кичкина эшикчани қоқди.

— Ким?

— Мен... мен... очинг, буви.

— Сен ким?

— Мен... Моҳидил.

— Вой шўрим...—кампир шошиб дарвозани очди.— шундоқ бемаҳалда-я.

— Ғаффордан хабар йўқми?

— Хабар бор, болам. Пул келди кеча.

— Ростдан-а? Қаерда экан?

— Кир уйга. Юр. Қоғозини ўзинг ўқи.

Кампир уйга кириб электрни ёқди. Токчани тимирскилаб калит олиб, кичкина сандиқчани очди.

— Мана бу пул келган қоғози. Почтага борсам, пул билан шу қоғозни қўшиб берди. Адреси шунда бор, деб айтишди.

Моҳидил қоғозга тикилганича қотиб турарди.

— Ўтир, болам. Эсим қурсин, индамай туришимни қара.

— Шу қоғозни олиб кетсам майлими?

— Майли болам, майли. Хат ёзақол. Мен энди биронтага хат ёздирарман деб ўйловдим. Ўзинг ёзсанг кошкийди, болам. Тентагимни кўрмайсанми, неча кунгача ухламабман-а! Хайрият, эсон-омон экан.

Моҳидил дарвозага юрди.

— Хой шошма болам, эртиб қўяй. Шундоқ маҳалда қиз бола...

— Йўқ, йўқ, қўрқмайман. Овора бўлманг.

Моҳидилнинг унамаганига қарамай кампир ярим йўлгача эргашиб бориб, қораси йўқолгунча қараб қолди.

Моҳидил қайтиб ҳовлига тушаётганида беҳи шохи шитирлаб кетди. Аяси уйқу аралаш ғулдиради:

— Ким?

— Мен... Чанқаб қопман, сув ичдим.

Эрталаб ҳовли супураётган келинойси девор нахрасига ҳайрон бўлиб қараб турганида, Моҳидил кўзини қисиб, лабини тишлаб кўйди. Келинойси маъноли жилмайди-да, тўкилган шўр тупроқларни шошиб супуриб ташлади.

Моҳидил неча марта хат ёзишга уринди-ю, нимагадир ёзолмас, нима деб бошлашни билмасди. Аслі хат ёзишни ёмон кўрарди. Баъзи қизлар йигитларга хат ёзишса унинг жаҳли чиқар, рўпарангда тургандан кейин гапингни айт-кўй. Виламан, хатларингни ярми китобдан кўчирилган бўлади, деб кун бермасди уларга. Қўлига қоғоз оларди-ю, юраги қисилиб кетарди. Нима дейди. Эрга текканим йўқ, қайтиб кел, дейдими? Нега ўзи бир оғиз ҳам хат ёзмайди. Ҳеч бўлмаса бувисига хат ёзиб сўраб суриштирмайди. Балки, бутунлай умидини узиб қўйгандир... Орадан яна уч-тўрт кун ўтди. Хат олмади ҳам ёзмади ҳам. Кечқурун комсомол комитети секретарининг олдига бориб, аъзолик бадалини тўлади. Секретарь йигит унга қараб хайрон бўлди, намунча, эртага кун йўқмиди деди-ю, иши зудроқ экан, бошқа гапга ўтмади. Бешинчи куни эрта саҳарда далага эмас, онасининг кўз ёшига қарамай очиқ-ошкора станцияга қараб жўнади. Келинойси лабини тишлаб олов, олов деб ҳавас билан орқасидан қараб қолди.

Ғаффорнинг ишлаётган жойи жуда узоқ эмас, автобусда тўрт соатлик йўл экан. Моҳидил сал ўтмай цемент заводи қурилишига келиб қолди. Машиналар шовқинидан унинг қулоғи битар, кўзларини қисиб баланд иморатлар, кранлар устидан Ғаффорини изларди. Исиб кетганидан нимчасини ечиб қўлига ушлаб олди. Бошини рўмол билан тангиган, чалакда алланарса кўтариб тахта зинадан тушиб келаётган қоратўри қиз ундан кўзини узмасди.

— Кимни изляпсиз?

— Ғаффорни... Танийсизми?

Қиз қошларини чимириб ўйланиб турган эди, ғилдирак қилиб ўралган бир даста симни елкасига ортиб Ғаффор ўтиб қолди.

— Ғаффор!

Ғаффор кўзларига ишонмагандай бир нафас котиб турди. Кейин қувонч ва ҳаяжон билан:

— Моҳидил... Қандоқ... Қандоқ қилиб келдинг?—деди.

Моҳидил кулди:

— Нима қилай, ўзинг оғанмга тушмагунча қўлимни чўзмайман,—деган экансан. Мана, келдим.

— Ростданми?

Нарида шагал тўкилган дўнгликда новча бир киши уларга қараб турарди.

— Ҳозир,— деди Ғаффор Моҳидилнинг қўлини қисиб қўйиб,— Устам қараб турибди, айтиб келаман.

Ғаффор йўл қолиб қум-шагаллар устидан ҳудди ёш боладай сакраб, чопиб кетди. Моҳидил ундан кўзини узмай қараб тураркан, ҳалиги рўмол тангиган қизнинг маъноли жилмайиб ўтиб кетганини ҳам пайқамаган эди.

«СИБИРЬ» АВТОБУСИ

Курган автобус заводи мутахассислари янги комфортабелли машина яратдилар. Автобус пассажирлар учун жуда қулай. У радиолаштирилган, вентилятор ўрнатилган. 65 киши сиғадиган бу замонаий машина ҳозир синовдан ўтмоқда.

С. Юдин фотоси (ТАСС фотохроникаси).

КАНИКУЛ ҚУВНОҚ ЎТАДИ

Бу йил ўқувчиларнинг ёзги дам олишларини уюштиришга барвақт киришилди. Пионер лагерлари, соғломлаштириш майдончалари ва санаторийлар мавсумга катта тараддуд кўрдилар.

Болаларнинг мириқиб дам олишларини таъминлаш мақсадида қатор тадбирлар кўрилди. Жумладан, Янгийўл бошқармасидаги пионер лагерлари ҳам кўнгилдагидай қилиб жиҳозланди. Янги соғломлаштириш майдончалари барпо этилиб, керакли инвентарлар билан таъминланди.

Тўғри, ўтган йили Янгийўл бошқармасидаги болалар муассасаларида ўқувчиларнинг ёзги дам олишлари кўнгилдагидек ўтказилган бўлсада, аммо бир қатор камчиликларга йўл қўйилган эди. Колхоллар хузурида ташкил этилган пионер лагерлари бир сменада ишлади. Ваҳоланки, бу муассасалар камп билан икки смена очиқ бўлиши керак эди. Шунингдек, айрим мактабларда ташкил этилган соғломлаштириш майдончалари ишлаб-ишламай турди.

Янгийўл район ижроия комитети бу йил ана шу камчиликларнинг такрорланмаслиги учун зарур тадбирларни белгиланди. Болалар муассасалари устидан доимий назорат ўтказиб туриш тегишли ташкилотларга тақсимлаб берилди. Пионер лагерлари ва санаторийларга оталиқ ёрдами кучайтирилди.

Бу йил бошқармадаги 24 та колхоз хузурида пионер лагерлари ишлайди. Бу муассасаларда колхозчиларнинг 3500 дан ортиқ ўғил-қизлари ёз таштини суришади. Шунинси қувонарлики, ташкил этилган пионер лагерларининг кўпи икки ва ҳатто уч сменада ишлайди. Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, мавсум бўйи пионер лагерлари бошқармадаги хўжаликлар томонидан озиқ-овқатлар билан таъминлаб турилади.

Бу ерда 1-мактаб-интернат педагогик коллективининг ибратли ишини алоҳида эслатиб ўтиш лозим. Билим ўчоғида пионер лагери ташкил этилди. Унда болалар икки сменада тарбияланадилар. Лагерда соғломлаштириш ишлари бўйича ҳам яхши тадбирлар белгиланди.

«Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози оталиғидаги 11-мактаб боғида ҳам пионер лагери иш бошлади. Лагерда ўринлар сони кўп. Шунинг учун ҳам бошқармадаги Жамбул номли, Калинин номли мактаб ўқувчилари бу ерга жалб этилди. Мактаб яқинидаги кўкаламзор боғ, соя-салқин аллеялар ўқувчилар ихтиёрига бериб қўйилди. Спорт майдончаси ҳам ташкил этилган.

Ленин номли ўрта мактаб ҳовлисида очилган пионер лагери ҳам пионер ёзини зўр уюшқоқлик билан бошлаб юборди. Ҳар куни болалар бадиий ва ҳужжатли фильмларни томоша қиладилар. Жонажон қишлоқ бўйлаб экскурсияларга чиқадилар.

Бошқармадаги бошқа пионер лагерларида ҳам шу кунларда ҳаёт қайнамоқда. Каникул завқини сураётган ўқувчилар ёзнинг ҳар бир кунини мазмунли ўтказишмоқда. Чунки, уларнинг хушчақчақ дам олиб янги куч, янги ғайрат тўплашлари учун ҳамма имкониятлар муҳайё қилинган.

М. АБДУСАМАТОВА.

Қишлоқ область Совети халқ маорифи доимий комиссиясининг аъзоси.

БЎРОН ҚИДИРУВЧИЛАР

Ҳар куни тонг отар чоғи Тошкент аэропортидан кўтарилган кумуш ранг ҳаво лайнери шаҳар устида соя ясаб аста юқорилайди.

Беш, олти минг метр, самолет ҳамон такаббурона тумшуғини юқори кўтариб кўк сари интилади... Бу ҳаво разведкачилари галдаги сафарининг бошланиши. Экипаж аъзолари ва борт аэрологи маскасини кийишади. Ҳавонинг бирмунча сийраклашгани сезила бошлайди.

Ташқарида шамол гувиллайди, ҳавонинг пастки ва юқори қатламлари самолетга урилиб қаршилик кўрсатади, гўё ҳазиллашгандай кўптоннали машинани тебратади.

Самолет кабинаси бутун бир лабораторияни эслатади. Махсус асбоблар, приборлар, ўзи ёзиб борувчи аппаратлар... Метеожурнал саҳифалари ёзувлар билан тез тўлиб боради.

Самолет қанча юқори кўтарилса ҳарорат шунча пасаймоқда. Гидрометр ёрдамида ҳавонинг намлиги аниқлаб борилаётир.

Самолет бортидан ташқарида эртаклардагидай манзара. Ҳаво кемаси гўё Арктиканинг кўз қамаштиргудай оппоқ қорлари орасида учаётгандек. Қуёш бўлса экватордагидек жуда ёркин!

Борт аэрологи Владимир Селифанов астойдил ишлаяпти. У ўзининг кўпйиллик фаолиятини шу серташвиш ишга бағишлади. юзларча соатлаб бўронлар ичида ўтди, лекин аввалгича ўз касбига ошиқ. Мана, ҳозир ҳам Владимир Селифановнинг ўрганиб қолган кўзлари кўриш даражаси, булутлар чегарасини осонгина аниқлаётир. Махсус асбоблар тебранишмузлаш даражаси ва бошқаларни қайд қилади. Махсус план бўйича ҳаво қатламидаги қуйилишлар кузатилади. Бу — ҳар 500 метрга кўтарилганида махсус ҳисоблаш машинаси ёрдамида олиб борилади.

Самолет силкиниб, Тебранди бошланди! Пассажир самолетларида тебраниш хавфли ҳодиса. Лекин об-ҳаво разведкачилари бундай ҳолатдан чиқишга шошилишмайди. Уни муфассал ўрганиш, тебраниш чегараларини аниқлаш лозим. Экипаж аъзолари бу ишида жуда кўп нарсани билиб олишга интилишади, чунки улар ердаги рейса жўнаётган пассажир ҳаво кемалари учувчиларига аниқ маълумотлар етказиб беришлари керак.

Ҳеч бир машина ҳавога кўтарила олмайдиган қуюқ туман, шаррос ёмғир ва қор ёғиб турганида ҳам ИЛ-28 самолети парвоз қилади. Тошкент реактив самолетлар бўлинмасининг коммунист Владимир Краснов экипажи кутирган табиий офат қўйнида жуда кўп соатларни ўтказган. У ҳозир ердан 12 минг метр юқорида. Мўлжалдаги баландлик! Муз сумалаклар урилиб тақиллайди. Разведкачи самолет бортидан кузатиш ҳақидаги маълумотлар келиб турибди. Паст планга олина бошланди. Аммо борт аэрологининг иши тугагани йўқ. Журналга ёзилган метеомаълумотлар қайта-қайта текширилади. Борт аэрологи Селифанов ва кема командири Краснов момақалдироқ фронти қаердалигини диққат билан кузатадилар. Чунки момақалдироқ авиация учун хавфли ҳодиса ва ҳар бир учувчи у ҳақда огоҳлантирилган бўлиши лозим.

«Об-ҳаво разведкачисининг учиши тугади, Бой метеомаълумотлар тўпланди. Аэролог Селифанов асбобларни йиғиштиради ва олинган маълумотларни метеостанцияга етказишга шошилади. Шуларга таяниб исталган баландликда босим, ҳарорат ва намликнинг қандайлиги ҳақида мулоҳаза юритиш мумкин бўлади.

Атмосферани самолет ёрдамида ўрганиш комплекс кузатиш ҳисобланади ва у ердан туриб кузатганга қараганда қатор афзалликларга эга. Булутларнинг микроструктураси, унинг қатламланиши ва музлашининг мавжудлигини фақатгина самолет ёрдами билан аниқлаш мумкин. Бу маълумотлар жуда ҳам қиммати. Улардан инженер-синоптиклар ҳаво трассалари бўйлаб учаётган кемалар экипажларига об-ҳаво маълумотлари юборишда фойдаланадилар, учиш раҳбарлари ва ҳаракат хизмати диспетчерлари эса аэродром тонон учиб келаётган самолетларга эшелон баландлигини аниқлаб берадилар.

Мана, йўл ҳам очиқ. Тошкент аэропортидан олдинма-кетин кумуш ранг ҳаво кемалари — «ТУ-104», «ИЛ-18,» «АН-10» кўкка кўтарилади. Улар Ватанимизнинг турли бурчакларига қараб йўл олади. Ҳар бир учувчи ҳаво трассаларида бораркан, хавф-хатарсиз учишни таъмин этган бўрон қидирувчилар — об-ҳаво разведкачиларига хаёлан миннатдорчилик тўла қалб сўзларини йўллайди.

М. ВИШЕДСКИЙ.



Суратда: «ИЛ-28» машинасининг командири В. Краснов (чапда) ва унинг жангговар штурмани Шерстобитов об-ҳавони разведка қилиб келиш учун учишга тайёрланмоқдалар.

Автор фотоси.

Мамлакатлар Одамлар Воқеалар

АҚШ МУЗОКАРАЛАРНИ ЯНА БОШЛАШГА РОЗИ

ВАШИНГТОН, 10 июнь. (ТАСС). АҚШ президенти Ж. Кеннеди БУГУН ВАШИНГТОНДАГИ АМЕРИКА УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАМОМЛАБ ЧИҚУВЧИЛАР ИНГИЛИШИДА НУТҚ СЎЗЛАБ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ Н. С. ХРУШЧЕВ, АНГЛИЯ БОШ МИНИСТРИ Г. МАКМИЛЛАН ВА МЕН «ЯДРО СИНОВЛАРИНИ ТАМОМИЛА ТАҚИҚЛАШ» ТЎҒРИСИДА БИТИМ ТУЗИШНИ ТЕЗЛАТИШ МАСАЛАСИ ЮЗАСИДАН «ЮКСАК ДАРАЖАДА» МУЗОКАРАЛАРНИ ЯНА БОШЛАБ ЮБОРИШГА РОЗИ БЎЛДИК. БУ МУЗОКАРАЛАР, ДЕДИ КЕННЕДИ, МОСКВАДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Бир қарорга келинди

ЛОНДОН, 10 июнь. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев, АҚШ президенти Ж. Кеннеди ва Буюк Британия бош министри Г. Макмиллан ядро қуроли синовларини тўхтатиш масаласини шу йил июль ўрталарида Москвада Совет Иттифоқи, АҚШ ва Буюк Британия вакилларининг иштироки билан яна муҳокама қилабошлаш ҳақида бир қарорга келганликлари тўғрисидаги ахборот бу ерда эълон қилинди.

Эронда аҳвол жиддий

ТЕҲРОН, 9 июнь. (ТАСС). Эрондаги аҳвол кескинлигича қолмоқда. Кейинги кунларда мамлакатнинг кўп районларида — Машҳад ва Шерозда, Теҳрон ва Табризда, Кум ва Рейда руҳонийлар йирик помешчиклар билан биргаликда ҳукуматга қарши ғалаёнлар уюштирдилар. Теҳрон ва Шерозда эълон қилинган ҳарбий ҳолат давом этмоқда. Хабар беришларича, Форс тоғлик районларида мунтазам қўшинлар билан қабилалар ўртасида тўқнишлар давом этмоқда. Форс қабилаларининг бошлиқлари ер ислоҳотига ва ҳукуматнинг қабилеларни қуролсизлантириш тўғрисидаги қарорига қарши чиқмоқдалар. Мусулмон руҳонийларининг ўнг қаноти ўз ташвиқотлари ва варақаларида халқни шоҳ томонидан ўтказилаётган ер ислоҳатига қарши ва хотин-қизларга эркаклар билан тенг ҳуқуқлар берилишига қарши чиқишга даъват этмоқда. Руҳонийларнинг ана шу гуруҳи шоҳнинг бу тадбирлари исломга ва қўрўонга хилофдир, деб айтмоқда.

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИДА

10 июнда Австралиянинг Москвадаги элчихонасига қуйидаги баёнот топширилди:

«Компетент органлардан олинган маълумотларга қараганда, элчихонанинг биринчи секретари В. Моррисон узоқ вақт мобайнида разведка ишлари билан шуғулланиб келган.

Шу билан бирга В. Моррисон спекуляция мақсадларида чел элларда тайёрланган кийим-кечакларни сотиб келган ва қонунга хилоф ана шу ишларга совет гражданларини жалб этган.

Шундай қилиб, В. Моррисон дипломатия ваколатхонасининг ходими статусига зид бўлган ишлар билан шуғулланган.

Шу муносабат билан СССР Ташқи ишлар министрлиги дипломатия ваколатхонаси ходимларининг ҳатти-ҳаракат қоидаларини қўпол равишда бузган В. Моррисоннинг қонунга хилоф фаолияти тўғрисида Австралия элчихонасига норозилик билдиради ва уни номақбул шахс деб эълон қилади.

Министрлик элчихона ўз ходимларининг шу хилдаги номатлуб ишларига бундан буён йўл қўймаслик учун қатъий чоралар кўради, деб кутади».

Капитал мамлакатларида синфий кураш

АНГЛИЯ ДОКЕРЛАРИ ВА ШАХТЕРЛАРИ ИШ ТАШЛАДИЛАР

Саутгемптон (Англия) докерлари ўнинчи июнда ўтказилган оммавий митингда 24 соатлик забастовка эълон қилдилар. Порт эгаларининг меҳнат шароити тўғрисида ишчилар билан тузилган шартномани бузганликлари забастовка бошланишига сабаб бўлди.

Ковентри шахтёрлари шахтадаги шароитнинг чидаб бўлмаслик даражада оғир бўлишига қарши норозилик билдириб, икки ҳафта илгари забастовка бошлаган эдилар. Шахтёрлар митингида бу забастовкани давом эттириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Забастовкада икки мингдан кўпроқ шахтёр қатнашмоқда.

48 СОАТЛИК ЗАБАСТОВКА БОШЛАНДИ

Миландаги (Италия) хусусий транспорт компанияси «Верровие норд Милано» ишчилари ва хизматчилари маъмуриятнинг меҳнаткашлар моддий таъминотини яхшилаш тўғрисида музокаралар бошлашдан бош тортганлигига қарши норозилик билдириб, 10 июнда 24 соатлик забастовка эълон қилдилар. Умумитальян меҳнат конфедерацияси, Италия меҳнаткашлари касаба союзлари конфедерацияси ва Италия меҳнат союзига кирган касаба союз ташкилотлари забастовка эълон қилдилар.

Шу куни Италиядаги энг йирик химия монополияси «Монтекатини»га қарашли барча корхоналар ишчиларининг 48 соатлик забастовкаси бошланди. Бу забастовка ҳам меҳнаткашларнинг иқтисодий талабларини қўллаб-қувватлаш юзасидан мамлакатдаги уч асосий касаба союз марказлари томонидан эълон қилинди.

ПОЛИЦИЯ КЎЗНИ ЁШЛАТАДИГАН ГАЗ ИШЛАТДИ

Франс Пресс агентлигининг мухбири Пигс-Пикдан (Свазиленд) хабар беради: Пигс-Пик шаҳрининг полициясига икки минг кишилик намойишда қатнашган африкаликларга қарши кўзни ёшлатадиган газ ишлатди. Намойишчилар 14 кончининг қамоққа олинишига қарши норозилик билдириб, шаҳар кўчаларига чиқдилар. Мустамлакачи инглиз маъмурлари ана шу кончиларни асбест конларидаги забастовкаларнинг ташкилотчилари деб ҳисоблямоқдалар. Ўтган ойда бошланган ана шу забастовка қатнашчилари иш ҳақининг оширилишини талаб қилмоқдалар. (ТАСС).

ДУНЁНИНГ ҲАР ТАРАФИДАН

● Австралиянинг прогрессив жамоатчилиги июнь ойида муҳим воқеани — ҳафталик оммавий ишчи газетаси «Уоркер уикли» газетасининг биринчи сони чиққан кунга 40 йил тўлишини нишонлайди. 22 июнь куни Австралиянинг коммунистик матбуоти вужудга келган кун ҳисобланади. Кейинчалик «Трибюн» деб ном берилган «Уоркер уикли» газетаси ишчилар синфининг иши учун, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик учун тинмай кураш олиб бориши туфайли Австралия халқи кенг қатламларининг муҳаббати ва ҳурматига сазовор бўлди. Австралияда «Трибюн» газетаси бутун мамлакатда ўқиладиган бирдан-бир газетадир, деди «Трибюн» газетасининг бош редактори Алек Робертсон ТАСС мухбирига.

● Рюкю оролларининг ҳукумати Япониядаги энг катта саккизта шаҳар — Токио, Иокогама, Осака, Нагоя ва бошқа шаҳарларнинг мэрларига мурожаат қилиб, шу оролларга ичиладиган сув етказиб беришда ёрдам кўрсатишга чақирди. Рюкю орорларида кейинги 73 йил мобайнида энг кучли қурғоқчилик рўй берди. Маҳаллий аҳолининг тахминан олтидан бир қисми сувсиз қолди. Шу муносабат билан, Япониянинг ўз кемалари Окинавага қатнайдиган ҳамма кемачилик компаниялари Япониядан Рюкю орорларига ичиладиган сув ташишга киришишга қарор қилдилар.

● Марокаш парламентининг «Истиқлол» партиясидан сайланган тўрт аъзоси хавфсизлик органлари томонидан қамоққа олинди. Марокаш парламентига бўлаётган сайловларга АҚШ элчихонасининг аралашувига қарши норозилик билдиргарликлари уларнинг қамоққа олинишига сабаб бўлди, деб хабар беради МЕН агентлиги. Қамоққа олинганлар орасида собиқ қишлоқ хўжалик министри Мансур Нежаи, «Истиқлол» партияси миллий кенгашининг аъзоси Абдил Азиз Алқаҳн ва бошқалар бор.

● Сена департаментининг тинчлик кенгаши Парижда эълон қиғаи баёнотида қуролсизланиш Бош штатларининг ишида анча муваффақиятларга эришилганлиги, шунингдек кейинги вақтда кўпгина янги тинчлик комитетлари тузилганлиги муносабати билан мамнуният билдирди. Кенгаш Париж районы аҳолисини Франция—Германия шартномасининг парламет томонидан ратификация қилинишига қарши кампанияга қўшилишга даъват қилди ҳамда барча тинчлик комитетларига мурожаат этиб, шартнома муҳокама қилинган вақтда депутатлардан унинг ратификация қилинишига қарши овоз беришни талаб этмоқ учун Миллат мажлисига делегациялар юборишга чақирди.

(ТАСС).

Курдистонда нималар бўлаётир?

Энг кейинги маълумотларга қараганда, Ироқ ҳукуматининг аскарлари Курдистон қишлоқларига ҳужум қилишни давом эттирмоқдалар. Ироқ қўшинларининг $^2/_3$ қисми Ироқнинг шимолий районларига ҳали ҳам тўпланмоқда. Курдистон демократик партиясининг лидерларидан бири бўлган Юсупийнинг, Курдистон масаласи тинч йўл билан ҳал қилиниши лозим деб берган баёнотига қарамасдан, Ироқнинг ҳозирги ҳукумати курд халқининг қонуний талабига қарши чиқмоқда, коммунистларни, курд ватанпарварларини қамоққа олишни кучайтирмоқда.

Курд халқининг миллий озодлик ҳаракатига чиниққан ватанпарвар, тоғ районида жанг қилиш техникасини биладиган, 62 ёшлик Мустафо Барзони раҳбарлик қилмоқда.

Курдистон Ироқнинг шимолида жойлашган райондир. Ироқ аҳолиси 7 миллион киши бўлиб, 75 проценти араблардан, 15 проценти курдлардан иборат. Курдлар асосан Курдистонда яшайдилар. Курдистон нефтга бой. Ироқда қазиб олинадиган нефть 48 миллион тонна бўлса, шундан 35 миллион тоннаси Курдистонга тўғри келади. Бу нефть ва газ конларидан Ироқ петролеум компанияси фойдаланади. Бу компания Англия, Америка, Франция капиталистларига қарашлидир. 1 Жаҳон урушига қадар Курдистон Туркия империяси составига кирар эди. Ироқ давлати эса Англиянинг мандати эди. Империалистлар стратегия жиҳатидан қулай, нефтга бой бўлган бу районни сақлаб қолиш учун ҳамма чораларни кўрдилар.

Империалистларнинг зулмига қарши курд халқи ўз озодлиги учун 40 йил давомида 4 марта қўзғолон кўтарди. 1943 йилда курдлар ҳукуматнинг халқни хўрлаб келаётган сиёсатига қарши қўзғолон кўтарди. Курдларнинг бу қўзғолонига Ахмад ва Мулла Мустафо Барзони раҳбарлик қилдилар. Кучлар тенг эмас эди. Англия генералларидан Бромило, Рентон курдларга қарши ироқ аскарларини ишга солдилар. Қўзғолончилар чекина бошлади. Барзони ўзининг 1000 кишилик отряди билан Эрон орқали СССР территориясига чекинди ва СССРдан сиёсий бошпана олди.

1958 йил июль революцияси Ироқдаги курдларга янги умид бағишлади. Ироқ революцияси ғалаба қилгандан сўнг Мулла Мустафо Барзони яна ўз ватанига қайтиб келди. Араб ва курдларнинг тенг ҳуқуқлиги давлат конституциясида ҳам белгиланди. Курдлар бир оз эркин нафас олгандай бўлдилар. Курд тилида газеталар чиқа бошлади. Тинчлик тарафдорлари комитети ишлай бошлади. Касаба союзлари очиқ ишлашга ўтди. Ер реформаси ҳам кун тартибига қўйилди.

Лекин 1960 йилда Ироқда реакцион кучлар бош кўтара бошлади. Қосим ҳукумати ҳам курдларга нисбатан ёмон муносабатда бўла бошлади. Курдистон демократик партиясининг сиёсий органи бўлган «Хабат» газетаси тақиқланди. Курдистон демократик партиясининг бир қанча раҳбарлари қамоққа олинди. Партиянинг раиси Барзони тоғ районига яширинди. Курдистон мактабларида курд тилида ўқитиш тақиқланди. Курдистонда саноат корхонаси қуриш ишлари бекор қилинди.

1961 йилдан курдларнинг озодлик учун кураши яна бошланиб кетди. Бу кураш қизғин тус олмоқда. Ҳозир Курдистонда 150 қишлоқ, 2 та шаҳарча ёндирилди. Ироқ ҳукумати курдларга қарши армия ташлаган эди.

Қосим ҳукумати Курдистондаги аҳволни дунё жамоатчилигидан яшириш учун бу ерга чет эл мухбирларини киритишга йўл бермади. Шу йил Қосим ҳукуматининг ағдарилиши орқасида, Курдистонда уруш ҳаракатлари ҳақиқатан тўхтаган эди. Бағдодга музокара олиб бориш учун Барзони томонидан полковник Талабани юборилди.

Талабани Ироқнинг ҳозирги ҳукумати олдига курд халқининг қонуний талабини, яъни Курдистонга автономия ҳукуқи берилиши ҳақидаги талабни қўйди. Лекин Ироқнинг ҳозирги ҳукумати реакцион сиёсат тутди ва курдлар масаласига салбий жавоб қайтариб, Курдистондаги аҳволин мушкуллаштириб юборди.

Курд халқининг озодлик кураши давом этмоқда. Курд халқи ғалаба қилади.

А. ОМИЛОВ

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг старший ўқитувчиси.

Кейинги вақтларда Ироқнинг шимоли — Курдистонда бўлаётган воқеалар жаҳон жамоатчилиги диққатини ўзига тортмоқда. Курдларнинг озодлик йўлидаги ҳаракати тобора авж олмоқда. Қуйида газетхонларимиздан Қ. Муҳамедов, Ж. Умаров (Тошкент шаҳри), Т. Урунов (Чирчиқ) ва бошқа ўртоқларнинг шу ҳақдаги саволларига жавоб берамиз.

Кечалар, кўргазмалар, учрашувлар...

Республика хотин-қизлар съезди ўз ишини давом эттириб турган кунлари пойтахтимиздаги барча маданият ва истироҳат боғлари, кинотеатрлар, томоша заллари съезд қатнашчилари ихтиёрига бериб қўйилади. Шаҳримиздаги истироҳат боғларида «Хотин-қизлар тинчлик учун кураш-да», «Коммунизм қуришда хотин-қизларнинг роли» ҳаби темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказилади. Бундан ташқари хотин-қизлар фаолиятига бағишланган нечалар, донгдор хотин-қизлар билан учрашувлар уюштирилади. Илғор хотин-қизларимизнинг меҳнат ғалабаларини ҳикоя қилувчи кўргазма, стендлар ташкил этилади, оммавий сайиллар бўлади.

Пушкин номли боғда Октябрь район хотин-қизларининг катта сайили бўлади. Тельман номли боғда эса Куйбишев район аёлларининг дам олиш нечаси уюштирилади. Пойтахт кинотеатрларида республикамизнинг таниқли хотин-қизлари томошабинлар билан учрашадилар. Экранларда эса қаҳрамон совет хотин-қизлари ҳаёти, кураши ва фидоорона меҳнатини акс эттирувчи қатор кинофильмлар кўрсатилади. Улар орасида донгдор пахтакор ва жўхорикор хотин-қизларга бағишланган ҳужжатли фильмлар ҳам бор.

Ўзбекистон рассомлар союзи съезд муносабати билан «Ўзбекистон хотин-қизлари» виставкасини ташкил этди.

ДЕПУТАТЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА

Шу йил 20 июнь эрталаб соат 11 да Ўзбекистон давлат эстрада театри (Навоий кўчаси, 55 уй) да меҳнаткашлар депутатлари Тошкент саноат область Советининг 1-чақириқ 2-сессияси ўтказилади. Сессияда Тошкент области ва шаҳри аҳолисига медицина хизмати кўрсатишнинг аҳволи ҳамда уни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида масала кўрилади, область ва шаҳар судларининг ишлари тўғрисидаги ҳисобот тингланади.

Тошкент саноат область Совети ижроия комитети.

ГРЕК САНЪАТИ КЎРИГИ

Тошкентда грек сиёсий эмигрантлари бадиий ҳаваскорларининг фестивали тамом бўлди.

Грек сиёсий эмигрантларининг миллий маданияти барқ уриб ривожланмоқда. Мингдан ортиқ киши олий ва ўрта махсус ўқув юртларини тугатди, кўпчилик фан кандидати деган илмий даражани олди. Ҳозирги кунда грек ёшларидан 600 дан ортиғи олий ўқув юртлари ва техникумларда, 3 мингдан кўпроқ грек болалари эса ўрта мактабларда таълим олмоқда.

Грек сиёсий эмигрантлари ҳар йили ўз халқ ижодий байрамларини зўр шодиёнолик билан нишонлайдилар. «Тинчлик—Ватан—Меҳнат—Дўстлик» шиори остида ўтган фестивал грек сиёсий эмигрантларининг маданий савияси ва бадиий талантининг нақадар ўсаётганлигининг ёрқин кўригига айланди.

10 мингдан зиёд киши тўпланган Тошкентдаги «Динамо» стадионида фестивалнинг очилиш маросими бўлди.

Мана, байрам тантанаси ҳам бошланди. Фестивалнинг иккинчи куни сиёсий эмигрантлар клубида грек ватанпарварларининг эришган ютуқларини ҳикоя қилувчи кўргазма очилди. Кечқурун шу клуб саҳнасида бадиий ҳаваскорлик тўғараги қатнашчилари македон тилида «Македония қонли тўйи» пьесасини кўрсатишди. Грек Халқ Театри ижодий коллективи эса шаҳардаги М. Горький номли театр саҳнасида Г. Фигейредонинг «Тулки ва узум» пьесасини намойиш қилди.

Фестиваль кунлари грек ватанпарварларининг СССРдаги ҳаёти ва қўлга киритган ютуқларини ҳикоя қилувчи «Эллада, сени деб» фильми ҳамда Грециядаги немис-фашист оккупантларига қарши олиб борилган миллий озодлик курашини акс эттирувчи «Хотима ва муқаддима» фильми намойиш қилинди.

Фестиваль Навоий номли опера ва балет театри биносида фестиваль қатнашчиларининг ҳисобот концерти билан якунланди. Концертда Греция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг раиси А. Грозос бошчилигидаги делегация аъзолари, шунингдек Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари З. Р. Раҳимбобоева, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. О. Азимов ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлишди.

Р. САДОВНИКОВ.

БИЛДИРИШ

14 июнь жума куни Тошкент шаҳар ишчи мухбирлар университетининг якунловчи машғулоти бўлади. Машғулотга ҳамма тингловчиларнинг келиши шарт. Машғулот кеч соат 6 да Бирлашган нашриётнинг қизил бурчагида ўтказилади. (Правда Востока кўчаси, 26-уй, 4-қават).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

4-БЕТ. 12 ИЮНЬ, 1963 ИИЛ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

12 ИЮНДА

18.00 — **Курумсонбой ва Ғаройбой** («Эртак кетидан эртак» циклидан).

19.00 — **Узбекистон хотин-қизлари III съездига бағишланган концерт**, концертдан сўнг — **Телевизион янгиликлар** (Ўзбек ва рус тилларида) ва **Раҳс ўқитувчиси** номли фильм-спектакль.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Соф виждон — «ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Петербург кечаси — «МИР» (кундуз ва кечқурун)

Тўрт юрак (тоқ соатларда). **Тик босқичлар** (кеч соат 6 ва 8 да) — «ВОСТОК».

Вақт ижодкор (кундуз соат 1, 2-10, 3-20, кеч 6-10 минут ва 9 да) **1) Москва: «Вива, Куба!» дейди, 2) Фидель Кастро — Волгоград меҳмони** (кундуз 4 ярим ва кеч 7-20 минутда) — КИНОЛЕКТОРИЙ.

ЁЗГИ БИНОДА:

(Сеанслар кеч соат 9 ва 10-40 минутда бошланади)

Олғирлар — «ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ФЕСТИВАЛЬ», ТЕЛЬМАН номли.

Охир замон — «ПАХТАКОР».

Мичман Панин — 1 МАЙ номли.

Бензонолонка малинаси — «ПОБЕДА».

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА

(ёзги бино)

ГАСТРОЛГА ЧИҚИШ ОЛДИДАН

СЎНГГИ СПЕКТАКЛЛАР

12/VI да — **Ишқинг билан.**
13/VI да — **Алпомиш.**
14/VI да — **Тошболта ошиқ.**
15/VI да — **Нодира.**
16/VI да — **Инки билагузук.**
19/VI да — **Нодира.**
20/VI да — **Ватан ишқи**

Спектакллар кеч соат 9 да бошланади.

«Таштрансспецстрой» трестининг

1-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА

электросварқачилар, водопроводчи слесарлар, трубоуладчик машинистлар, дизелистлар, К-123 ва К-124 дизель кранларининг крановчилари, каток ҳайдовчи мотористлар, авто йўллари қурувчи ишчилар, ёрдамчи ишчилар

керак

Педагогика кўчаси, 75-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

«УЗГИПРОВОДХОЗ»га

лойиҳа тузиш учун: ишлаб чиқариш стажи бўлган гидротехник-инженерлар (бош инженер ва бош мутахассис вазифаларида ишлаш учун), граждан ва саноат бинолари қурилишига доир инженерлар, прораблик бўлимида ишлаш учун йўл инженери, гидрогеолог инженерлар ва техниклар

КЕРАК

Адрес: Тошкент шаҳар, Полиграф кўчаси, 1-уй.

<>

«УЗГЕОФИЗТРЕСТ»НИНГ МАРКАЗИЙ РЕВИЗИОН-ТЕМАТИК СТАЦИОНАР ПАРТИЯСИГА

дала партиясида ишлаш учун: техниклар, топографлар, геологлар, геофизиклар, химиклар, старший пармалаш мастери, шнек усулида пармалаш мастерлари, автомеханик

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Оржоникидзе посёлкаси, 5-почта бўлими.

<>

«ТАШКЕНТКАБЕЛЬ» ЗАВОДИГА

инженер-электрик, техлотехника ва босим приборларини монтаж ва эксплуатация қилишга доир инженерлар, автоматик контроль сигнализация схемаларн ва регулировка системасига доир инженер-автоматчи

КЕРАК

Электрокабель кўчасида заводнинг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин (4-автобуснинг «Победа» остановкаси). телефон 6-12-72.

<>

ЧОРВОҚ ГЭСИ ҚУРИЛИШИГА

3, 4, 5, 6-разрядли ишт терувчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент область. Юқори Чирчиқ район, Ҳожикент посёлкаси (Салор-Бурчмулла орасида қатнайдиган автобуснинг «Ҳожикент» остановкаси).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного, сельского областных и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004. Редактор ўринбосари — 25885. Секретариат — 34808. Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, саноат, транспорт ва маҳаллий ахборот бўлимлари — 33786. Хатлар бўлими — 34048. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 31.936. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмохонаси.

Р. 08267. ИНДЕКС 64695. А. 1613. IX